



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поетга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 3 июль, пайшанба • 27 (3503)-сон

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



Сержант Аброр Турдалиев.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлари Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмлар хизматчилари мустақил Ўзбекистонимизни кўз қорачигидек асрашга доимо шай турадилар. Улар мамлакатимиз тинчлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун лозим бўлса, азиз жонларини фидо этишади.

Газетамизнинг 3-саҳифасида ана шундай ҳарбий жамоалардан бирининг фаолияти тўғрисидаги материал билан танишасиз.



Уқув машғулооти пайти.

Мард одамлар хавф-хатарни писанд қилмай, қонунга бўйсунган ҳолда жасорат намуналарини кўрсатишади. **АРАСТУ.**

УШБУ СОНДА:

ҲОСИЛИМИЗ НОБУД БЎЛМАЙДИ!

Галла ризқ-рўзимиз. Далаларда машаққат билан етиштирилган ҳосилни нест-нобудгарчиликларсиз хирмонларга ташиб олиш фурсати етди.

3

ЭЛ ЎҒЛОНИ

...ОРАДАН КЎП ЎТМАЙ, ҚАҲРАМОН ТУМАНДАГИ "ОҚ ОЛТИН" МАҲАЛЛАСИГА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ...

4

САНДИҚ «НАФАС ОЛЯПТИ...»

«...Аёлнинг ранги ўчиб кетди. Мен ўрнимдан турдим-да, сандиқ устидаги кўрпачаларни тушириб, қопқоғини очдим...»

15

ТАНИШИНГ:



ГВАДАЛУПЕ 16

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

УЧИНЧИ «Поетга» gazetasi ning ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + **TV O'LAM**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи жорий этилсин.

Мазкур корхоналарда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишни мажбурий шарт ҳисобланади.

2. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг ихтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ялпи даромад солиғи: улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш ўрнига;

чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан белгиланган даромаддан олинган ягона солиқ ўрнига тўланади.

Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлаш билан бир қаторда умумбелгиланган тартибда мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

4. Улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдога амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарт билан рухсат берилсин.

5. "Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармонининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, бу жараён халқаро миқёсда эътироф этилаётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омилларини инобатга олган ҳолда, жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва илғор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси билан "Устоз" республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, тасарруфиди олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Ҳомийлар таркибини чет эллик иштирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.

3. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий

йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодий-иқтисодий тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илғор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдишларга эга ва республикамиз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш;

дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилсин, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига кўмак бериш;

мамлакат олий таълим ва илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг Жамғарма грантлари асосида тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириши ҳамда мақсадли тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг бар-

қарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш;

ҳомийлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ёш педагог ва илмий кадрлар билимларини чуқурлаштириш ва малакасини ошириш жараёнига фаол жалб қилиш; истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларнинг замонавий илғор билимлари, жаҳон даражасидаги илмий ва технологик тажрибасини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишни таъминлаш, уларнинг педагогик ва илмий фаолияти мониторингини узлуксиз олиб бориш.

4. Жамғарманинг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ўз ихтиёридаги асосий фондлар ва молиявий маблағларни "Истеъдод" жамғармаси балансига ўтказилсин.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йи-

ғимлар бундан мустасно) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказилмайдиган мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказилмайдиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

7. "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситаларига Жамғарма фаолиятини кенг қўлама ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.

9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансидан Жамғарма балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғарманинг биносини 2003 йил 1 ноябригача таъмирлаш юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли Фармонининг 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайберганов ва Т.Рисқиев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 июль.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу ғалабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рузимиз манбаи — ерга, меҳнатга янгица муносабати, ғайрат-шижоати, доимо янгиликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз.

Сизларнинг об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда кетма-кет ёққан ёмғир, айниқса жала ва дўл сингари табиат инжиқликларини етиб, бошоқдан дон экинларини юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилганингиз, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарганингиз бу ҳақиқатни яққол исботлаб турибди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб астойдил меҳнат қилаётган сиз, мард ва ориятли, ўз сўзида қатъий турайдиган Сурхондарё аҳли бошқа соҳаларда ҳам белгиланган марраларни эгаллашингизга барчамиз ишонамиз.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни, бир сўз билан айтганда, шу улкан хирмонга ўз ҳиссасини кўшган барча инсонларни бугунги меҳнат зафарини билан яна бир бор қутлайман.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга эсатинчилик, файзу барака тилайман. Доимо ишингиз бароридан келсин, бахту омадингизни берсин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришаётган бир пайтда вилоятимиз далаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Кунни кеча вилоятнинг 101000 гектардан ортиқ майдонларида етиштирилган "олтин бошоқ" дан 230617 тонна дон олинди, ғалаба рапортига имзо чекилди. Ушбу маррага етишда барча туманлар ғаллакорлари давлат томонидан белгиланган режаларни бажариш билан ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бунда вилоят ички ишлар бошқармаси тизимидаги ходимларнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ғаллани ўриб-йиғиб олиш даврида талон-торож, нобуд ва исроф қилмаслик мақсадида "Ғалла-2003" тадбири ишлаб чиқилди. Унга асосан жойлардаги ИИБларга бошқарма масъул ходимлари бириктириб қўйилди. Уларнинг зиммасига ўрим-йиғим ишлари олиб борилаётган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-

ҒАЛАБАДА ҲИССАМИЗ БОР

минлаш, мавсумга жалб этилган куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланиши, ҳосилнинг талон-торож қилиниши, нест-нобуд этилишининг олдини олиш каби вазифаларни ташкиллаштириш юклатилди. Мавсум бошланишидан олдин барча туманлар ҳокимликлари, маъмурий идоралар, ширкат-фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказилди.

Бу йилги мавсумни талафотсиз ва бенуқсон ўтказиш йўлида ғаллакорларга ёрдам бериш учун 900 нафарга яқин милиция ходимлари сафарбар қилинди. 186 та хирмон жойларида 120 та постлар ташкил этилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида 38 та қоидабузарлик аниқланиб, айбдорлардан 235570 сўм миқдорда жарима ундириб олинди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, йиғим-терим даво-

мида шахсий таркибимиз жонбозлик кўрсатиб хизмат ўташи натижасида ҳосил нобудгарчилигининг олди олинишига эришилди. Афсуски, баъзан "ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир"лар ҳам учраб турибди. Мавсумда дон маҳсулотларини йиғиб олиш вақтида ходимларимиз томонидан 21 та майда ўғирлик ҳолатлари аниқланиб, бунга йўл қўйган шахслардан 698 г ғалла олинди.

Дастурхонимизни азиз неъмат бўлган нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун бу йилги ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз.

И. ҚАЛҚОНОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ
бошқалигининг ўринбосари,
милиция полковниги.



«Галла — 2003»

ҲОСИЛИМИЗ НОБУД БЎЛМАЙДИ!

Фалла ризк-рўзимиз. Далаларда машаққат билан етиштирилган ҳосилни нест-нобудгарчиликларсиз хирмонларга ташиб олиш фурсати етди.

Тошкент вилояти туманларида жами 137 минг гектар майдонга бугдой экилган. Фаллазорлардан 492 минг тонна дон олиш

кўзда тутилган. Халқимиз насибасини талон-торожларсиз, увол қилмай ўриб-йиғиб олиш мақсадида вилоят ИИБда махсус тезкор штаб тузилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Тезкор штаб аъзолари далалардаги аҳвол, ўрим-йиғимнинг боришидан тортиб то хирмон, элеваторларгача бўлган жараёни кузатиб боришарди. Кундалик маълумотлар аниқ ва тўлиқ олинишни таъминлаш мақсадида факс, компьютер, радиотелефон каби алоқа воситалари ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, иш самарали ташкил этилиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Вилоят ҳўжаликларидида 170 та "Кейс", 200 дан ортиқ турли русумли комбайнлар ўрим-йиғимда қатнашмоқда. Фалла ташишга қарийб 900 та юк автомашиналари, 346 та трактор жалб этилган бўлиб, улар махсус кўриқдан ўтказилди. Дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, қуриштириш ва қайта ишлаш корхоналарига ҳамда галлазорлар атрофи, марказий ва ички йўлларга ёнғин хавфсизлигини

тарғиб қилувчи паннолар ўрнатилди. Ўрим-йиғим иштирокчиларига 2000 дан ортиқ эслатма ва варақалар тайёрланиб тарқатилди. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ҳокимликлар, маҳаллалар фаоллари билан кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Фалла етиштирувчи туманлардаги галла майдонлари, омбор-хирмонлар, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тегирмон-элеваторларга 435 нафар ходим бириктирилди. Тунги гуруҳнинг вазифалари алоҳида ишлаб чиқилган. Профилактика инспекторлари, вилоят ЙХХБ ҳамда ЕХБ ходимлари қондабузарликларнинг олдини олиш, ташмачиликка йўл қўймаслик учун барча чораларни кўришарди. Бу борада ўрим-йиғимга жалб этилган барча ходимлар билан кундалик йўриқлар ўтказилмоқда.

Аҳоли, галла ташувчи

ҳайдовчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган майда ўғирликлар ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш учун йўлларда кўшимча постлар ташкил этилди.

Маълумки, галла йиғиб олингач, далаларга ўт қўйиш одат тусига кириб бормоқда. Афсуски, уни болалар ёки катталар эҳтиётсизлиги деб бўлмайди. Чунки айрим раҳбарлар билиб туриб бу ишга қўл уришади. Гўё бу кейинги йил ҳосили учун фойдали эмиш. Бироқ ундай эмас. Оловдан ер таркиби бузилса, осмонга ўрлаган тутун атроф-муҳитга ниҳоятда катта зарар етказиши. Ўтган йилда бир неча шундай ҳолат қайд этилиб, 2 та жиноий иш кўзгатирилган, қолган ҳолатлар бўйича маъмурий чоралар кўрилган.

Ушбу мавсумда бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли, ҳўжалик раҳбарлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

У. АБДУЛЛАЕВ,
вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари,
милиция полковниги.



Дўстлик тумани галлакорлари ўрим-йиғимда Жиззах вилоятида қарвонбошилиқ қилишарди. Туман ИИБ ходимлари ризк-рўзимизни нест-нобуд бўлмайд хирмонларга тўкиб олишда деҳқонларга мадалдор бўлишмоқда. Улар галла майдонларида комбайн ва ҳосил ташиш транспорт воситаларининг бир маромда ишлаши, ёнғин ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ўғирлик ва ташмачиликка йўл қўймаслик чораларини кўришарди.

Суратда: туман ИИБ ходимлари "Манас" ширкатлар уюшмасининг фермер ва деҳқонлари билан галла ўриладиган майдонда.

Б. БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлари Бош бошқармасига қарашли полковник В. Тожибоев бошчилик қилаётган ҳарбий қисм хизматчиларининг вазифаси жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар қандай жиноятчи гуруҳ ва шахсларга қарши курашишдан иборат.

Жамоа ҳар томонлама етуқ, чиниққан, алпқомат йигитлардан ташкил топган.

Ҳарбий хизматга Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидан чақирилгандим, — дейди гуруҳ сардори, катта лейтенант Миркомил Комилов. — Йигитлик бурчимни аъло даражада ўтагач, жамоада шартнома асосида хизмат қилиш истаги туғилди. Мана шунга ҳам 11 йил бўлибди. Айниқса, бу соҳани танлаганимда ота-онамнинг қувонганини айтмайсизми. Уларнинг ич-ичларидан фахрланаётганлигини кўрсам касбимга бўлган меҳрим ўн чандон ортиб кетади. Жисмоний тарбия хизмати бошлиғи, майор Талъат Бекмуҳаммедов сингари чакқон, эпчил, чайир бўлсам дейман. Командирларим — катта лейтенантлар Музаффар Сафаров, Рўзибой Сатторовларга ҳавас

қиламан. Синфдошим, катта лейтенант Абдувоҳид Каримов билан хизматда бир-биримизга елкадошим.

— Мен ҳам мuddатли хизматдан сўнг шартнома асосида қолганман, — дея суҳбатга қўшилди сержант Ўткирбек Бобоев. — Ҳар-



Суратда: аскарлар машқ пайтида.

бийликка, айниқса, махсус бўлинмада хизмат қилишни ёшлигимдан орзу қилардим. Орзуимга эришдим. Бу ердаги барча йигитлар билан кадрдон ака-укадек бўлиб кетганмиз. Соҳадаги билимларни янада ошириш мақсадида ИИБ Академиясида тахсил олаяпман.

Қисмимиз "Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, хизматчиларимиз тўлиқ синовдан ўтказилиб, сараланиб қабул қилинган, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Расулжон Қосимов. — Улар жисмоний, жанговар ва махсус тайёргарликларни аъло даражада эгаллашган. Бундан бир неча йил бурун юртимизнинг Янгиобод ва Бўстонлик туманлари ҳудудига суқулиб кирмоқчи бўлган террорчи гуруҳларни бартараф этишда йигитларимиз матонат ва мардлик намуналарини намойён этишди. Юртбошимиз Фармони билан катта лейтенант М. Сафаров, майор В. Ҳидоятхоновлар II даражали "Шон-шараф" ордени, Ойбек Хусанов эса "Жасорат" медали билан тақдирланди. Ана шундай жасур йигитларимизга ҳавас туйғусини ошириш мақсадида ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар А. Икромов туманида яшовчи бир гуруҳ ёшларни қисмимизга таклиф этдик. Туман "Камолот" ёшлар

ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида 15 нафар тарбияси оғир вояга етмаганлар 3 кун мобайнида ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишишди. Ҳарбий машғулотлар, қуроллардан фойдаланиш уларда катта таассурот қолдирди.

Қ. ШОКИРОВ.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Миннатдорчилик

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Мен ички ишлар тизимида хизмат қилиб, нафақага чиққанман. 1 гуруҳ ногирониман. Умр йўлдошим Ҳабибахон Суванқулова ҳам II гуруҳ ногирони. Унинг касаллиги хуруж қилиб аҳоли бирдан ёмонлашиб қолди. Зудлик билан Наманган шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг физиотерапия шифохонасига олиб бордик. Шифохона бош шифокори А. Ахроров бош-қош бўлиб, аниқ ташхис қўйди. Муолажаларни малакали шифокору ҳамширалар замонавий аппаратлар ёрдамида амалга оширишди. Ёстиқдошим аста-секин оёққа туриб, ўзини яхши сеза бошлади. Бундан бутун оила аъзоларимиз чексиз қувонинди. "Ширин сўз-жон озиғи" деб бежиз айтилмаган экан. Касалхонанинг барча ишчи-хизматчилари ширинсухан, эътиборли, ўз ишига виждонан ёндашишар экан. Эҳти-мол, шу боис ҳам беморлар қисқа фурсатда ўзларини бардам ҳис эта бошлашади. Ширин, дармондорилар-

га бой таомлар кишига қувват бағишлайди. Биз билан бир вақтда давоаланган андижонлик, истеъфодаги милиция майори Иномжон Турғунов, бухоролик Муроджон Исаев, хоразмлик Рустамжон Абдуллаев, қўқонлик Рўздатжон Рашидовлар ҳам яратилган шарт-шароит, муолажаларнинг юқори сифатли эканлигидан мамнуи ҳолда оилалари бағрига қайтишди.

Ўзимни ҳам юрак хасталиғи безовта қилиб турардим. Ҳар хил физиотерапевтик муолажалардан сўнг дардим кўзимай қўйди. Шу сабабли кўплаб биз каби фахрийларнинг соғликларини тиклаб, болаларимизга бош бўлиб юришимизга сабабчи бўлган шифохонанинг барча ходимларига чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Илоғ, қўлингиз дард кўрмасин, меҳрибонлар!

Абдухалил БАРАТОВ,
Фарғона вилояти
Данғара тумани.

Хабарлар

АМАЛИЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан мактабнинг Сирғали туманида жойлашган ҳудудидаги кўркам ва шинам ўйингоҳга мамлакатимизнинг турли вилоятларидан битирувчиларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари ташриф буюришди.

Мактаб бошлиғи, полковник Матрасул Собиров тантанани очиб деб эълон қилгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Битирувчиларни муборакбод этиш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковни-

ги Зокиржон Алматовга берилди. Нотиқ битирувчиларни офицерлик унвони ҳамда муга-хассислик дипломи олганликлари билан самимий қутлади.

Шундан сўнг битирувчиларни Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов табриқлади. Ёш лейтенантлар номидан сўзга чиққан ички хизмат лейтенанти Зафаржон Ҳотамов республика Президенти, Ички ишлар вазири ва мактаб раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этди.

З. НЕЪМАТОВ,
ички хизмат подполковниги.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни республика Халқ таълими вазири Р. Жўраев очди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг раиси А. Абдуқаҳҳоров сўзга чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, фан ва касб тўғрисидаги ишларни ташкил этиш ҳамда тарбияси оғир, фанларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларни уларга жалб қилиш, ҳуқуқий таълим бериш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда, республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги А. Усманов иштирок этиб, маърузада кўрсатилган камчиликлар юзасидан жойлардаги комиссиялар раислари ва вилоят прокурорларига кўплаб саволлар билан мувожаат қилди.

Йиғилиш якунида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти қониқарсиз деб топилиб, бу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўплаб тақлифлар билдирилди.

И. ЖАҲОНГИРОВ,
милиция майори.

Осойишта маҳалла обод бўлади

ЭЛ ЎҒЛОНИ

Қаҳрамон 1996 йили Тошкент давлат автомобиль йўллари институти битиргач, милицияда хизмат қилишга қарор қилди. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани навбатчилик қисмида навбатчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган кезларида тезкор ва зийраклиги билан раҳбарият эътиборини тортди. Орадан кўп ўтмай, у тумандаги "Оқ олтин" маҳалласига профилактика инспектори этиб тайинланди. Ўша пайтда милиция таянч пункти учун ташландиқ бинонинг кичик бир хонаси ажратилган бўлиб, бефайз бир жой эди.

Қаҳрамон даставвал ишни худуд ҳамда унинг аҳолисини ўрганишдан бошлади. Худуднинг темир йўл ёқасида жойлашганлиги, Қозоғистон билан чегарадошлиги анча қийинчиликлар туғдирарди. Иккита темир йўл шоҳбекати ўғирлик ва бошқа жиноятлар изини яширишга қўл келарди. Лекин Қаҳрамон бундан чўчимади. Маҳалла, мактаб ва ташкилот-

ларда тез-тез учрашувлар ўтказиб, суҳбатлар уюштирди. Бир пиёла чой баҳонасида хонадон соҳиблари билан яқиндан танишди. Айниқса, унинг болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлари аҳоли диққатини тортди. Аксарият жиноятларни муқаддам судланганлар содир этиши ёки бошқаларни ҳам жалб этиши мумкинлиги-

ни ҳисобга олиб, асосий эътиборни жазони ўтаб қайтганлар билан ишлашга қаратди. Ўз назоратида бўлган 20 нафар муқаддам судланганларни ишга жойлаштириш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида елиб-югурмаган куни, кириб чиқмаган эшиги қолмади. Уларни иш билан банд қилиб, ўз йўлини топишда ёрдам бергани фуқаролар тилига тушди.

Хизмати давомида ўғрилик жиноятига тўла барҳам берилди. Кўп ўтмай милиция таянч пунктини қайта таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Туман ҳокимлиги, ИИБ раҳбарияти ва аҳоли уни қўллаб-қувватлаганлиги туфайли,

фойдаланилмаган 2 қаватли бино қайта таъмирланди. Унинг биринчи қаватида маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла посдонлари, ҳамшира, профилактика ҳамда вояга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари хоналари жойлашган бўлса, иккинчи қаватда эса тикув цехи жойлашди. Шу билан бирга устахона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат шохобчалари аҳолига қулайлик яратмоқда.

Қаҳрамон худудда профилактик ишларни жонлантириш, тарғибот ишларига кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида, шу йилнинг бошидан "Сиз қонунни биласизми?", "Ўз ҳуқуқингизни билинг!"

каби 40 дан ортиқ викториналар ўтказди. Бундан ташқари маҳаллий газеталарда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор чиқишлар қилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Жорий йилда худудда учта жиноят қайд этилган бўлиб, улардан бири йўл-транспорт ҳодисаси, иккинчиси республикамиз худудига моддий-товар бойликларни ноқонуний олиб кириш ва бошқаси билан боғлиқдир. Бундай муваффақиятларга эришишда маҳалла оқсоқоли Жумабой Отахонов, ВЕИН инспектори, милиция старшинаси Жонибек Жўраев, тарбиячи-педагог Гулса-

нам Суванова, маҳалла посдонлари сардори Турсункул Отабековларнинг баҳамжиҳат, олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Қаҳрамон каби ёш, куч-қувватга тўла, тили ва дили бир йигитлар кўпаяверсин. Эл-юрт тинчлиги учун қилинган ҳар қандай иш унутилмайди, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Мубоширов. - Профилактика инспектори укувли, ўз касбининг устаси бўлса, эл хурматини қозонади. Хурматга сазовор одамнинг гапи ҳам таъсирли, ҳам кадрли бўлади.

Профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Қаҳрамон Норжигитов ўз худудини вилоятда жамоат тартиби мустақкам, ҳуқуқ-тартибот ўрнатишда намунали маскан қилишга ҳаракат қилмоқда.

М.ИБРОҲИМОВА.

Кўрик-танлов якунланди

Қўшиқ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Бир неча йилдан буён мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимларида "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Ўзбек Давлат Миллий академик театри биносида навбатдаги кўрик-танлов бўлиб ўтди.



ИИБ Қоровул кўшинлари Бош бошқармасининг полковник Г. Терзян бошчилигидаги намунали оркестри тантанали куй ижро этгач, сахнага бирин-кетин қўшиқчи-милиционерлар таклиф қилинади. Андижон вилояти ИИБ ЖИЭБ фельдшери, ички хизмат катта лейтенанти А. Файзиёв, Наманган вилояти ИИБ ЁХБ ўт ўчирувчиси Ш. Турғунов, Транспорт ИИБ ШТБХ бўлими инспектори, милиция лейтенанти Б. Маҳмадалиевнинг миллий оҳангдаги шўх, шу билан бирга инсон қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирувчи қўшиқларини тўплаганлар олқишлар билан кутиб олдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ШТБХ катта инспектори, милиция капитани Қ. Шарипов "Ўзбекистоним" қўшиғини қорақалпоқ тилида куйласа-да, барча уни сеҳрлангандек тинглади. Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Кўриқлаш бошқармаси Қарши шаҳар алоҳида милиция батальони милиционерни, милиция катта сержанти Б. Мансуров ҳар йилгидек ижро маҳорати билан барчани қойил қолдирди. Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ ходими Б. Раҳмоновнинг "Бу юртнинг ёшлари" қўшиғида воҳа аъна-

лари акс этиб турди. Тошкент шаҳар А. Икромов тумани ИИБ ҚООБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти А. Ҳамраев ижросидаги "Огоҳлик муҳаммаси" қўшиғи композицияси ҳам ўзига хос, у одамларни огоҳликка, тинчликнинг қадрига етишга чорлов бўлиб янгради. А. Ҳамраев ижро маҳорати билан кўрик-танловда олий ўринни эгаллаб, ИИБнинг фахрий ёрлиғи, олий даражали диплом ҳамда видеомагнитофон билан мукофотланди.

Шунингдек, хоразмлик Б. Раҳмонов биринчи ўринни эгаллаб, республика ИИБнинг фахрий ёрлиғи, I даражали диплом, энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдоридан пул ҳамда рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўрин соҳиби бўлган Наманганлик Ш. Турғунов, ҚҚБ дан Т. Саидовларга ИИБнинг Фахрий ёрлиғи, диплом ва қимматбаҳо мукофотлар берилди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБдан Қ. Шарипов, қашқадарёлик Б. Мансуров, самарқандлик У. Сирожовларга эса учинчи ўрин ва вазирликнинг қимматбаҳо совғалари насиб этди. Бухоролик С. Зоиров, Фарғоналик Ҳ. Йўлдошев, навоийлик Б. Неъматов, Транспорт ИИБдан Б. Маҳмадалиев, Тошкент вилоятдан М. Обиловлар ҳам ИИБнинг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ғолибларга "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика кўриқ-танловига йўлланма берилди. Улар ички ишлар ходимлари номидан юксак сахнада, қўшиқ куйлайдилар.

Уларга келгуси баҳсларда ҳам омад тилаймиз.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратда: олий ўрин соҳиби, милиция катта лейтенанти А. Ҳамраев.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.



Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамма ерда бирдек амал қилиниши зарур. Бунинг учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларидан хушёрлик талаб этилади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБ ходимлари кўча ва йўлларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солишяпти.

Суратда: ЙХХБ 2-сафарбарлик гуруҳи сардори, милиция майори Фарҳод Санқибоев ва ЙПХ нозири, милиция катта лейтенанти Замонберган Абдураимовлар Беруний туманидаги "Чалиш" ЙПХ масканида хизмат бурчларини адо этаётган пайтлари акс этган.

М. ТИЛЛАЕВ олган сурат.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ЎЗБЕКИСТОН — МУСТАҚИЛ, ЭРКИН ДАВЛАТ

Президентимиз И. Каримов II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган маърузасида мамлакатимиз, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва қатъият билан давом эттириш муҳим вазифалар эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Энг асосий ва муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдир.

Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгаллик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир. Бу муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий аъналарга таянган тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш бу мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига, халқаро террорчилик ва наркотиқ бизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни сафарбар қилиш бугунги кунда долзарб вазифа бўлмоғи лозим.

Учинчи устувор йўналиш бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодийнинг муҳим шарт бўлган эркин иқтисодий тамойилларини жорий этишдан иборат.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилаш борасидаги тўртинчи устувор йўналиш — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, ошкораликни таъминлайдиган демократик тамойилларни амалда жорий қилишдир, десак тўғри бўлади. Ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмади ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига

ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмалари фаолиятига ҳамда қабул қилаётган қарорларига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бу — "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш ҳам устувор вазифалардандир. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат мезони бузилиши муқаррар.

Инсон омили эса барча ислохотларимизнинг бош йўналиши, самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб беради. Бу — демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Маънавий ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш зарур. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тарққийнинг энг муҳим шартлари деб билган.

Республика ИИБ Ички кўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

УЧИНЧИ «Поетга» gazetasi

gazetasining ilovasi

TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI


Фаройибот

Редьярд Киплингнинг "Чангалзорлар китоби"даги Маугли образи ёзувчининг хаёлпарастлиги меваси эмасди. У Хиндистонда тарқалган "бўри"-болалар ҳақидаги кўп сонли ҳикояларнинг биридан илҳомланганди. Унда ҳикоя қилинишича, ота-онаси чақалоқлик пайтида ташлаб кетган ёки ўрмонда адашиб қолган болаларни жониворлар тарбиялаган эди. Қизиғи шундаки, ҳақиқатан ҳам инсон боласини асосан бўрилар ўз оиласига қабул қилган.

Йилда бунинг уддасидан чиқади ҳам. Баҳандапур чангалзорларидан у бошқа қайтиб келмаган.

КАМОЛА ВА АМОЛА

XX асрнинг бошида, аниқроғи, 1920 йилда руҳоний Жозеф Сингх ўз кундалигида "бўри"-болалар ҳақидаги энг ҳайратомуз ва энг мураккаб во-



ОДАМЛАР ОРАСИДА

Сингх қизчаларни Гадамуридаги Чуналар оиласига топширади. У беш кунга бир ёққа кетади. Қайтганида Жозефни ноҳуш хабар кутаётгани. Чуна ва унинг оиласи "бўри" - болалар тажовузи дастидан ўз уйлари тарк этгандилар. Қишлоқнинг аксар аҳолиси "бўри"-болалардан кўрқиб кетиб қолишганди. Қизалоқлар Чуна фермасининг ҳовлисида қамаб қўйилган эди. Ўзлари учун алоҳида ажратиб берилган ўт устида ухлардилар, очлик ва кўркув уларни оғир аҳволга солиб қўйган эди. Сингх қизларга ёрдам бериш учун 28 октябрь куни уларни Миднапурга олиб келади. Улар Миднапурда 4 ноябргача қолишади. Кейин эса Сингх қизалоқларни болалар уйига топширади. У ерда "бўри"-болаларни оддий ташлаб кетилган болалардек қабул қилишди. Сингх қизчаларнинг топилишига доир ғамгин воқеани овоза қилиб ўтирмади. Уларга Камола (каттасига) ва Амола (кичигига) деб исм қўйишади. Болаларнинг янги шарт-шароитларга кўникиши қийин бўлди. Амола бир йилдан кейин вафот этди, Камола эса 9 йил яшади. Умрининг охирида у тик тура оларди, қизнинг луғат бойлиги эса 30 сўзни ташкил қиларди. Инсон юрагини эзувчи Камола ва Амола тақдири бизни ёввойи болаларни улар ўзи ўрганган муҳитдан ажратиб кетганини ёки йўқми, дея ўйлантиради. Бундай йўл тутиб, одамлар уларни ўзлари боғлаиб қолган нарсалардан, меҳр-муҳаббатдан ва тутинган ота-оналаридан, шунингдек, табиат билан мулоқотдан маҳрум қилишади. Эвазига эса ётарлича меҳр-муҳаббат, эътибор кўрсатилмайди. Акс ҳолда саройда тарбияланган, егани олдида, емаган кетида бўлган Генри де Гессе яна бўрилар орасига қайтишни афзал билардим, деб айтмаган бўларди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

«Бўри» - БОЛАЛАР

РОМУЛ ВА РЕМ

Урғочи бўри томонидан инсон болаларининг тарбияланиши ҳақидаги энг қадимги воқеа Римнинг ташкил топиши билан боғлиқдир. Афсонада айтилишича, жиянининг яширин ҳомиладорлигидан хабар топган қирол Амулий уни қамаб қўйиб, янги туғилган эгизаклар - Ромул ва Ремни туғилиши биланоқ саватга солиб Тибр дарёсига ташлашларини буюради. Агар уларни худонинг марҳамати сабаб бўлиб бўри катта қилмаганда, чўкиб ёки очлик ва совуқдан ўлиб кетган бўлардилар. Фаустулнинг чўпони саватда шохга илиниб қолган икки эгизакни топиб олиб, худди ўз болаларидек тарбиялайди. Бунинг натижаси эса барчага маълум - Ромул Римга асос солиди, эгизакларни эмизган урғочи бўри эса Италия пойтахтининг рамзига айланади.

НЕМИС ЎРМОНЛАРИДА

Келинг, энди Бавариянинг Хардт ўрмонига йўл оламыз. 1544 йил бу ерда виттеравилик биринчи "бўри"-бола топилди. Уни тутиб олишганда 12 ёшда эди. Ўша йилнинг ўзидаёқ бўрилар тўдаси орасидан яна бир бола топилганди. У тўрт оёқлаб юрарди. Боланинг тик туриши учун эса унинг оёқларига ёғоч боғлаб қўйишга тўғри келди. Тарихчи Филипп Калирариуснинг ҳикоя қилишига қараганда, болакайни 3 ёшлигида бўрилар олиб қочиб кетишади. Жониворлар унга шунчалик боғлаиб қолишгандики, ўлжалари-

нинг энг мазали бўлақларини болага беришарди. Болакайга шамолдек тез югуриш ва катта масофаларга сакрашни ўргатишганди. Бўрилар унинг хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишарди, кечаси кириб ётиши учун кенг уя ясашганди. Улар болани совуқдан тўсиш учун атрофини ўраб ухлашарди. Генри де Гессе (болани кейинчалик шундай аташганди) Лэндгрейв саройига қабул қилинди. У ерда тез орада инсон инсонга бўри эканлигини тушуниб етади. Гапиришни ўргангандан сўнг одамлар орасида яшагандан кўра бўрилар тўдасига қайтиб боришни афзал кўришини айтади.

ХИНДИСТОНДАГИ ЁВВОЙИ БОЛАЛАР

Бир журналда кичиклигида йўқолиб қолиб, бўрилар оиласига келиб қўшилган бола ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзининг ҳақиқий оиласига қайтиб ҳам у ўзини бўридек тутишда давом этади (ўзига биров яқинлашганда ириллаб, тишларини кўрсатарди, тун бўйи увиллаб чиқарди). Тез орада бола ғамхўрлик, меҳр етишмаслигидан вафот этади.

Бундан ташқари, Хиндистонда 1843 йили бўрилар уяси ёнида бошқа бир "бўри"-бола топилди. Уни маданий йўл билан тайёрланган овқатдан ҳаттоки бир лўкма ейишга, шунингдек гапиришни ўрганишга мажбур қилиб бўлмади. Бола талаффуз қилган товушлар ёлғиз ириллашлардан иборат эди. У ҳамиша қочиб кетишга уринарди ва 1851

қеалар - Камола ва Амола ҳақида ҳикоя қилади. Унинг кундалигида ажойиб маълумотлар бор. Хиндистонда рўй берган ушбу воқеада руҳоний оддий гувоҳ эмас, балки асосий иштирокчилардан биридир. Миссионерлик фаолиятини олиб бориш учун танланган Гадамури қишлоғида руҳоний кечаси қишлоқ атрофида изғийдиган шайтоний руҳлар, ярим одам, ярим ҳайвонлар борлигини сезиб қолади. Руҳоний 1920 йил 9 октябрда қишлоқ яқинидаги ўрмонда рўй берган бир воқеа шарофати билан танилиб кетади. У ўрмонда англиялик дўстлари ва қишлоқда яшовчи Чуна исми бир одам билан бирга эди. Улар бўрилар уяси атрофида пойлаб туришганди. Дастлаб катта ёшли бўри пайдо бўлади, кейин иккинчи ва учинчиси чиқади. Икки урғочи бўридан кейин иккита ғалати, хунук махлуқ пайдо бўлади. Уларнинг қўл-оёқлари, танаси одамникини эслатарди, лекин боши катта шар шаклида бўлиб, елка ва кўкракларининг тепа қисмини тўсиб турарди. Улар тўрт оёқлаб туришарди, кўзлари ёниб, тешиб юборгудек тикиларди. Руҳонийнинг дўстлари милтиқларини ўқлаб, отишга шай туришганди, лекин Сингх дурбин ёрдамида, булар одам болалари эканликларини кўра билди. Кейинги куни улар яна ҳайвонларни кузатишади. Руҳоний болаларни озод қилиш керак, деб ҳисобларди. Қишлоқ аҳлидан ёрдам сўраганда, рад жавобини олди. Қишлоқликлар сеҳр-жодуга қодир руҳларга тўсқинлик қилишдан кўрқинарди. Шунда руҳоний

бошқа қишлоқда яшовчи бир нечта кишини баъзи "ер қазиш билан боғлиқ ишлар"-ни бажаришга кўндирди. Асли ниятидан эса уларни хабардор қилмайди.

«Бўри» - БОЛАНИ ОВЛАШ

17 октябрь куни манзилга етиб келган, кичик гуруҳ дарҳол иш бошлаб юборди. Сингх ер қавлашга бошчилик қилар, унинг дўстлари эса бўри уялари ёнида гулхан ёқишга тайёргарлик кўришаётганди. Белкуракнинг илк зарбалари эшитилиши билан бир бўри тезроқ қочиб кетиш учун уядан чиқади. Кейин иккинчиси пайдо бўлади, лекин учинчи бўри чиқиши билан одамларга ташланади. У ер тирнаб, тишларини ғазаб билан гичирлата бошлади. Лекин бариси беҳуда кетиб, жонивор отилган ўқлар боис ерга қулайди. Сингх унинг она бўри эканлигини тушуниб етади. У болаларини қутқариш учун ўзини қурбон қилган жониворнинг фидойилигига қойил қолади. Тез фурсатда уянинг марказий чурччаси кўрина бошлади. Унинг тагида иккита бўривачча ва икки нафар одам боласи бор эди. Улар бир-бирларига тирмашиб олишганди. Одамлар уларни ажратишга ҳаракат қилишади, лекин қаттиқ қаршилиққа дуч келишади. Ниҳоят, жониворлар устига латта-путта ташлашиб, уларни тутиб олишди.

Ёрдамчилар ўз қишлоқларига мукофот ва совға сифатида бўри болаларини олиб қайтишди. Руҳоний эса ўз навбатида болаларга ғамхўрлик қилди. Булар иккита кичик қизалоқлар эди. Уларнинг кичиги хали 8 ёшга ҳам тўлмаганди.

Гаройибот

ЮНГ ДОР

"Ребус" журналининг 1884 йилги сонларидан бирида шов-шувга сабаб бўладиган мақола чоп этилди. Муаллиф муштарийларнинг ғазабига дучор бўлишдан чўчиб ўз исм-шарифини сир тутган, мақолага Г. М. деб имзо чеккан эди. Ҳақиқатан ҳам унинг чиқишидан сўнг тахририятга норозилик тўла мактублар ёғилди. Уларнинг аксариятида "Нега муаллиф ишонувчан, содда ўқувчиларни аҳмоқ қилмоқчи бўляпти?" деган таъналар битилганди.

Ўзининг маймун синглиси борлигидан хабар топгач, Г. М. ўша кунлик уйини тарк этди – полкига йўл олди. У 25 йил давомида бу сирни ичида сақлади. Барибир, охири чидай олмай ёрилди – журналга мурожаат қилиб, бу сирли ҳодисани тушунтириб берувчи мутахассис топишларини илтимос қилди.

Юнгдор аёллар илгари ҳам туғилган. Мексикалик Юлия Пастрана исмли аёл ҳам бунга мисол бўла олади. У XIX асрнинг

таъсирчанлиги туфайли, хунуклигидан, одамларнинг муносабатидан кўп азият чеккан.

Юлия тўлғоқ пайти вафот этган. Унинг ўлик туғилган боласининг танаси ҳам юнг билан қопланган бўлган. Цирк эгаси Гаснер она ва боланинг танасини мўмиёлаб одамлар томоша қилиши учун экспонат сифатида фойдаланган.



"маймунча" ажралмас дўстга айланишди.

Гаванадаги томошалар чоғи-

Мақоланинг мазмуни кўндалма-кўндал эди. Муаллиф 1859 йилда ёш офицер бўлган пайтида ота-онасининг олдида навбатдаги хизмат таътилини ўтказиш учун келади. Улар фарзандларини қувониб қаршилади. Аммо юзу кўзларидан оилада нимадир юз берганини илғаб олиш мумкин эди.

Болалиги ўтган уйни айланар экан муаллиф иккинчи қаватдаги бир хонанинг эшиги зичлаб беркитилганини кўрди. Отаси негадир кўзини олиб қочиб "Уни таъмирлаш керак. Шунинг учун беркитиб ташладик", – деди. Ёш офицернинг кўнгли қандайдир нохушликни сезгандай бўлди. Аммо сир бой бермади.

У анча пайт уйда бўлмагани учун ўтган давр ичида юз берган ўзгаришларни тез пайқайди. Иморотлар анча эскирганди. Боғ қаровсиз ҳолга келган. Ҳовузни ўт босган. Ота-онаси ҳам кексайишган. Аммо гоҳ у, гоҳ бу хонада болалар ўйинчоқларига кўзи тушиб қоларди. Хайрон бўлди. Сабаби, уйда ёш бола йўқ эди. Негадир бунга ота-онасидан сўрашга ийманди.

Бир кун у ота сайрдан қайтаётган иккинчи қаватдаги ўша эшиги қулфланган хонага кўз ташлади. Қараса, кимдир юрарди. Йигитнинг саволига отаси "Хизматкорлардан бирови мебелларнинг чанг-чунгини артишга киргандир", – деб жавоб берди. Ўғил бу гапга унча ишонмади, аммо отасини уялтириб қўймаслик учун гапни бошқа эрталаб бурди.

Бир кун эрталаб ёш офицер қўлини биров силаганидан уйғониб кетди. У хиёл қаддини кўтариб қараса, ғира-шира тонг ёруғида ғалати махлуқни кўрди. Бу мавжудот кийим кийдириб қўйилган маймун боласи бўлиб, қизалоққа ўхшаб кетарди. У юнг босган бармоқлари билан Г. М. нинг қўлини силарди. Офицер нима бўлаётганини тушунмай хизматкорни чақирди. Шу заҳоти унинг хонасига бир ўрта ёшли аёл югуриб кириб, маймун боласини кўтариб ғойиб бўлди.

Нонушта пайти Г. М. ота-онасидан нималар бўлаётганини сўради. Маълум бўлишича, уч йил олдин унинг отаси хизматкор қизни яхши кўриб қолган экан. Иккаласи хуфёна бирга яшай бошлашган. Хотини эса ҳеч гапдан беҳабар эди... то оқсоч аёл ҳомиладор бўлгунча. Шаъни топталган аёл ҳар кун ибодат чоғида худодан зинокорларни жазолашни ёлвориб сўрайверди. Кейинги воқеаларни у охлари Яратганга етиб борганининг исботи дея изоҳлади. Оқсоч бутун аъзои бада ни юнг билан қопланган қизалоқ туғди. Доя аёл бунга кўриб ҳушидан кетди. Ўзига келгач эса чақалоқни бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Аммо хонадон бекаси

ОДАМЛАР

маймунсифат бола дунёга келишида ўзини айбдор санаб, мурғак гўдак олдида гуноҳини ювишга қарор қилган. У оқсочга ўз қизидек ғамхўрлик кўрсата бошлаган. Эҳтимол, бадбашара қизалоқ ҳар гал хиёнаткор эрига зино гуноҳи азим эканлигини эслатиб туришини ҳам истагандир.

Тез орада "маймунча" бошқа болалардан фақат юнгдорлигию



юзи бир оз кўполлиги билангина фарқ қилиши аён бўлди. Бошқа жиҳатлардан у ҳам тенгдошларига ўхшар – шўх, топқир ва абжир эди.

Ота-она офицер ўғилларидан таътилга келаётгани ҳақида хат олгач, ғайриоддий болакайни энагаси билан бирга иккинчи қаватдаги хонага бекитишга қарор қилишди. Уйинқароқ, тиниб-тинчимас қизалоқ ўша кунни қизиқувчанлиги туфайли акасининг ётоғига кирган эди.



50-йилларида цирк томошаларида иштирок этган. Ўрта бўйли, қорамағиз, 23 ёшли бу аёлнинг пешонаси тор бўлиб, юзини қоп-қора соқол қоплаган. Унинг қулоқлари катта-катта, кўкраклари ҳам юнг билан қопланган эди. Ай-тишларича, аёл анчайин оғирбосиб бўлиб, испан ва инглиз тилларини билган, хунармандчилик билан шуғулланган. Юлия Пастрана цирк артисти сифатида томошабинларни ўзининг нафақат ғайриоддий ташқи кўриниши, балки ажойиб кўшиқ ва рақслари билан ҳам ҳайратга солган.

У ақлли, илмли бўлган. Ўша

1885 йилда Лаосдан Англияга 13 ёшли Крао исмли қиз келди. Унинг юзи шимпанзенинг башарасига ўхшаб кетарди. Қиз оёқ бармоқлари билан қалам ушлаб расм чиза оларди. Бундан ташқари, буюмларни оёқлари билан бемалол ушлай биларди. Улғайгач, анча мураккаб математик масалаларни ечарди, тўртта хорижий тилни ўрганди. Цирк томошалари уни ҳам четлаб ўтмади. Аммо томошабинларни кўпроқ унинг фавкулотда истеъдоди эмас, балки ғайритабиий қиёфаси қизиқтирарди. Крао 39 ёшида вафот этди.

Яна бир "аёл маймун"нинг тақдирини диққатга сазовордир. Бу воқеа биринчи жаҳон урушидан кейин юз берди. Бир оқшом цирк бизнеси билан шуғулланувчи Карл Лаутерга икки нотаниш киши адёлга ўралган ушоққина қизалоқни олиб келишди. Қизалоқнинг кўзлари ёшига номуносиб тарзда ўта ғамгин боқарди. Ана шу қараш бу юнгдор норасида ёшгина бошидан кўп қийинчиликлар ўтказганини англатиб турарди. Лаутер қизалоқни сотиб олиб, ўз фарзандидек тарбиялади.

Присцилла (қизчага шундай ном қўйишганди) Жоанна лақабли шимпанзе билан жуда иноқлашиб кетди. Тез орада иккала

да бир бадавлат аёл Присциллани сотиб олмоқчи бўлди. Эвазига шунчалик кўп пул таклиф қилдики, Карл Лаутер ҳам иккилашиб қолди. Ҳақиқатан унга пул зарур эди. Бундан ташқари, қизнинг тишларини даволатиш учун ҳам харажат талаб қилинарди. Оз бўлмаса сотиб юборарди. Хайриятки, аёлнинг асл нијатидан бохабар бўлиб қолди. Хонимнинг уйида эркак маймунлари бўлиб, улардан бирини қиз билан чатиштириб тажриба ўтказмоқчи экан. Лаутер дарҳол олди-сотди музокараларига чек қўйди.


Тез орада Присцилла цирк артистларидан бири – териси тимсоҳ терисига ўхшаб кетадиган эркакка турмушга чиқди. Эрхотин биргаликда томошалар кўрсатиб жуда бойиб кетишди.

Ҳозирда ҳам матбуот саҳифаларида Хитой ўрмонларида юнгдор одамлар учраши ҳақида хабарларга тез-тез кўзингиз тушиши мумкин. Панг Энсенг деган киши ўзи дуч келган юнгдор одамни шундай тасвирлаган эди: "Унинг бўйи икки метрлар келарди. Елкалари кенг. Пешонаси туртиб чиққан. Кўзи чуқур ботган. Бурни катта, семиз. Қулоқлари ҳам катта-катта. Жағи туртиб чиққан. Олдинги тишлари отниқига ўхшаган йирик-йирик. Сочлари тўқ жигарранг, елкаларига тушиб турарди. Бурни ва қулоқларидан ташқари бутун юзини калта юнг қоплаган эди..."

Баъзи олимларнинг фикрича, Хитой ўрмонларидаги юнгдор одамлар ҳақидаги гап-сўзлар ўйдирма эмас. Улар ҳақиқатан ҳам мавжуд. Кўп аслар давомида хитойлар ғайритабиий кўришли болалардан халос бўлишга интилиб келишган. Сабаби, бундай фарзандлар наслга иснод келтиради, деб ҳисобланган. Уларни одатда ўлдиришган. Эҳтимол, айрим оналар жигарбандларини одамлар ғазабидан сақлаб қолиш учун болалари билан ўрмонларга бош олиб кетишгандир...

Юлия Пастрани ҳам Сьерра Мадра ўрмонларида, Кордильера тоғининг дараларидан бирида – аҳоли яшайдиган манзиллардан анча олисда топиб олишган. Қизалоқ у ерга қандай бориб қолгани номаълум. Балки мексикаликлар юнгдор болалар туғилишини беҳосият санашган, шайтоннинг ишига йўйишгандир?

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



ДУШАНБА

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"

8.00-8.45 "Тахлилнома". 8.45 "Камалак". Болалар учун кинодастур.

20.30 "Ахборот". 21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. "Кўпчилик каторида".

ЎзТВ - II

16.25 Кўрсатувлар дастури.

17.00 ТВ-анонс. 17.05 Бахтли болалик кўшиклари.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи. 20.15 "Меҳр кўзда".

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТҮда сериал. "Живз ва Вустер".

18.05, 20.55 "Экспресс" телегазетаси. 18.10 "Спорт ва болалар".

ЎзТВ - IV

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00.

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 "Вести".

21.40 "Бизнес ревью". 21.45 "Кўнгил-кўнгилга пайванд".

30-канал

16.55 - гача профилактика ишлари. 16.55 - Дастурнинг очишти.

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

РТР

4.45 "Доброе утро, Россия!". 7.45 В. Голдберг в комедии "Кости и собаки".

13.20 Ток-шоу "Что хочет женщина?". 14.10 Телеканал "Московские окна".

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего". 8.00 Мультисериал "Мумии возвращаются".

НТВ

5.00 УТРО на НТВ. 7.55 "ЛИЧНЫЙ ВКЛАД".

9.25 "Fox Kids": "Деннис-непоседа". Мультсериал.

9.50 "Fox Kids": "Динозавры". Мультсериал.

10.15 "Fox Kids": "Хитклиф". Мультсериал.

10.40 "Гриффины". Мультсериал.

11.40 "ВОВОЧКА". Комедийный сериал.

12.15 Мировые розыгрыши.
12.50 "ВЕСЕЛАЯ КОМПАНИЯ". Комедийный сериал.

13.55 Военная тайна.
14.30 "24". Информационная программа.

14.50 Лотерея "АвтоВАЗа".

15.05 "Кино": Ч. Норрис в гангстерском боевике "ВОЙНА ЛОГАНА".

17.00 "Проект "Отражение". "Байкеры". Док. фильм REN TV.

18.05 Классика юмора.
19.00 Матч российской Премьер-лиги. "Сатурн-REN TV" (Московская область) - "Динамо" (Москва).

21.00 "1/52". Спортивное обозрение.
21.15 "ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО". Приключенческий сериал.

23.00 "Кино": Д. Робертс в музыкальной мелодраме "УДОВЛЕТВОРЕНИЕ".

1.15 "Кино": Б. Ли в боевике

СПОРТ+ФУТБОЛ



Футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионатининг биринчи давраси якунланди. Мамлакатимизнинг саккизта ўйингоҳида олий лига жамоалари 15-тур учрашувларини ўтказишди.

Чемпионлик учун курашаётган икки жамоа — «Нефтчи» ва «Пахтакор» ўз майдонларида анча кучли жамоаларга қарши ўйнашди.

Шунинг учун ҳам ушбу икки ўйинни турнинг марказий учрашувлари деса бўлади. Мусобақа пешқадами бўлиб турган «Нефтчи» ашаддий рақиб — кўшни вилоятнинг «Навбахор» жамоасини қабул қилди. Бу ўйин анча кескин ва мurosасиз бўлди. Баҳс аввалда наманганлик футболчилар мезбонлар билан тенгма-тенг ўйнашди. Лекин фарғоналиклар барибир кучлилиқ қилишди. Биринчи бўлимнинг ўзида мезбонлардан Ш.Райимжонов ва А.Холматов С.Захаревский кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олишди. Иккинчи бўлимда наманганликларнинг истеъдодли ҳужумчиси Ш.Милхондиршоев ҳисобдаги фарқни биттага қисқартиришга муваффақ бўлди.

«Навбахор» футболчилари дуранг учун ҳаракат қилишлари мумкин эди. Лекин 79-дақиқада Т.Султоновнинг ўз дарвозасини нишонга олиши натижасида фарғоналиклар ҳисобда яна икки тўп фарқи билан олдинга чиқиб олишди. Уч-

«НЕФТЧИ» — БИРИНЧИ ДАВРА ПЕШҚАДАМИ

рашув шу тариқа 3:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

«Пахтакор» футболчилари ҳам кўшни вилоят жамоасини қабул қилишди. Анча кучли таркибга эга бўлган «Дўстлик» ўйин бошида мезбонлар билан тенгма-тенг ўйнашга интилди. Лекин «Пахтакор» кучлироқ экани сезилиб турди.

Учрашувда ҳисоб 15-дақиқада очилди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини пахтакорчи Г.Гочқулиев бехато бажарди. Етти дақиқадан сўнг ҳакам «Пахтакор» дарвозаси томон «Дўстлик» футболчилари 11 метрлик белгидан тўп тепиши лозимлигини кўрсатди. М.Қурбонов ҳам адашмади — 1:1.

«Дўстлик» футболчиларининг қувончи узоққа чўзилмади. Йигирма бешинчи дақиқада В.Кирияев бурчак тўпини дарвозага йўллаб, «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Иккинчи

бўлим ҳам майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Ўйин тугашига ўн дақиқа қолганда З.Тожиев рақиб посбонини учинчи марта ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди — 3:1.



Ўз майдонидаги ишончли ўйинлари эвазига кучлилар қаторида турган «Сурхон» Термизда очко йўқотишни бошлади. Сурхондарёлик футболчилар ўтган турда «Пахтакор»ни иккинчи поғонага тушириб қўйган «Цементчи» жамоасини қабул қилишди. Ўйин тенг курашлар остида ўтди. Ҳисобни меҳмонлар очишди. Биринчи бўлим ўрталарида О.Бутов бурчакдан узатилган тўпни

дарвозага аниқ йўллади. Асосий воқеалар беллашувнинг иккинчи ярмида бўлди. Сурхондарёликлардан Ф.Ҳасанов 62-дақиқада ҳисобни тенглаштирганди. Лекин учрашув якунланишига беш дақиқа қолганда қувасойликларнинг истеъдодли ҳужумчиси Ё.Ақбаров жамоасини яна олдинга олиб чиқди. Вазиятнинг тенглаштириш учун

шувда «Қизилқум» «Металлург» дарвозасига жавобсиз учта гол урган бўлса, «Насаф» — «Бухоро» учрашувда ҳисоб 2:1 билан якунланди.

Энг заиф жамоалардан бири бўлган «Гулистон» устидан сафарда қозонилган ғалаба эвазига «Машъал» футболчилари кучли саккизликка кириб олишди. Ушбу учрашувда қашқадарёликлар ҳар бир бўлимда биттадан гол киритишди.

Худди шу натижа Самарқандда ҳам қайд этилди. «Самарқанд-Д» жамоаси «Трактор»дан 2:0 ҳисобда устун келди.

Ҳақиқий ўртамиёна жамоага айланиб қолган «Анджон» Кўқонда «Кўқон-1912» жамоасига қарши кечган учрашувнинг 7-дақиқасида С.Асқаралиев томонидан йўлланган гол эвазига ҳисобни очганди. Лекин биринчи бўлимнинг ўзида мезбонлар андижонликлар дарвозасини икки марта аниқ нишонга олиб,

ўйин тақдирини ўз фойдасига ҳал қилиб қўйди — 2:1.

Биринчи давра якунига кўра, мусобақа жадвалида 42 очко билан «Нефтчи» пешқадам бўлиб турибди. Фарғоналиклардан бир очко кам жамғарган «Пахтакор» иккинчи ўринда. Шунинг айтиши жоизки, XII миллий биринчилиқда ҳали ҳеч қайси жамоа «Пахтакор»ни энгишни уддалай олгани йўқ.

Шунингдек, бронза медал учун курашаётган жамоалар ҳам талайгина. «Қизилқум» пешқадамлардан анча ортда қолиб кетган бўлса-да, бронза учун асосий даъвогар ҳисобланади. «Насаф», «Сурхон», «Навбахор» ва «Дўстлик» жамоалари совринли ўринларни зарафшонлик футболчиларга осонликча топшириб қўйишмайди. Ўзини поғонадан настга қараб жойлашган еттига жамоа бу мавсум олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашади.

15-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	15	14	0	1	43-9	42
2. «Пахтакор»	15	13	2	0	45-12	41
3. «Қизилқум»	15	10	2	3	30-13	32
4. «Насаф»	15	9	2	4	30-17	29
5. «Сурхон»	15	7	3	5	19-22	24
6. «Навбахор»	15	6	5	4	24-17	23
7. «Дўстлик»	15	6	3	6	18-22	21
8. «Машъал»	15	6	2	7	22-17	20
9. «Самарқанд-Д»	15	5	1	9	20-25	16
10. «Анджон»	15	3	5	7	14-17	14
11. «Бухоро»	15	4	2	9	21-26	14
12. «Металлург»	15	4	2	9	18-33	14
13. «Цементчи»	15	3	4	8	17-29	13
14. «Гулистон»	15	4	1	10	12-33	13
15. «Трактор»	15	3	4	8	17-37	13
16. «Кўқон-1912»	15	4	0	11	17-38	12

«Сурхон»га бир дақиқа кифоя қилди. Бир пайтлар Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган Б.Аннаматов мезбонларни мағлубиятдан қутқара олди — 2:2.

Медаллар учун курашаётган яна икки жамоа — «Қизилқум» ҳамда «Насаф» биринчи даврани ўз майдонида якунлади. Зарафшонда бўлган белла-

Францияда барча қитъаларнинг етакчи терма жамоалари иштирокида Конфедерациялар кубоги мусобақаси бўлди. Ушбу турнирда Туркия терма жамоасининг ўйини кўпчилиқ мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки турнирда тақлиф этилган турклар жаҳон чемпиони — Бразилияни гуруҳда қолдириб, ярим финалга чиқди.



ФРАНЦИЯ КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ ГОЛИБИ

Финалга чиқиш учун турклар мезбонлар терма жамоасини мағлуб этиши лозим эди. Бу туркларнинг қўлидан келарди. Лекин Франция таркибига анча кучли футболчиларни жалб қилган.

Ўйин давомида ташаббус асосан турклар томонида бўлса-да, улардан бироз омад юз ўғирди. Францияликлар 26 дақиқа ичида Рушту Режбер дарвозасига иккита тўп киритишди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, Шенол Гунеш дарвозабонни алмаштирди. Биринчи бўлим тугашига уч дақиқа қолганда ҳисобдаги фарқ қисқарди. Лекин бир дақиқа ўтган французлар Вильторднинг зарбасидан сўнг яна икки тўп фарқи билан олдинга чиқиб олди.

Учрашувнинг иккинчи

ярмида турклар ўйинни кутқариб қолишга ҳаракат қилишди. 48-дақиқада Шонли рақиб дарвозасини ишғол қилди. Туркия терма жамоаси учрашув сўнггида ҳисобни тенглаштириши мумкин эди. Лекин Окан Йилмаз пенальтини аниқ бажаролмади.

Иккинчи ярим финалда Камерун Колумбия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Гарчи африкаликлар финалга чиққан бўлса-да, бу уларга татимадонда ҳушсиз йиқилган Вивьен Фоз шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Финалга чиқолмаган Туркия ва Колумбия жамоалари учинчи ўрин учун ўзаро куч синашишди. Учрашувнинг иккинчи дақиқасидаёқ Шонли ҳисобни очди. Ко-

лумбияликлар 68-дақиқада Эрнанде киритган голдан сўнг ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Ярим финалда пенальтини аниқ амалга оширолмаган Окан Йилмаз учрашув тугашига уч дақиқа қолганда туркларга ғалаба келтирган голни йўллади.

Финалда Камерун Франция терма жамоасига қарши майдонга тушди. 65000 томошабин бевосита кузатган ушбу учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ўйиндан сўнг қўшиб берилган вақтда, яъни 97-дақиқада Тьерри Анри французларга ғалаба келтирган олтин голни урди. Шундай қилиб, Франция кетма-кет иккинчи марта Конфедерациялар кубогини қўлга киритди.

Боҳир БЕК.

«ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон кубоги учрашувига яхши кайфият билан келди. 1 июль куни ушбу жамоалар «Пахтакор» устидан 2:1 ҳисобда ғалаба қозониб, Тошкентда бўладиган жавоб

маев(иккита), М. Қосимов ҳамда А. Солиевларнинг биттадан голлари эвазига йирик ҳисобда (7:1) ғалаба қозониб, финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

ФАРЗАНДАРИМИЗ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни жисмоний тарбия, оммавий спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этиш борасида самарали ишлар амалга ошириляпти. Ёш авлод қалбида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, уларнинг қизиқишини кучайтиришда турли спорт турлари бўйича жаҳон, қитъа ва мамлакат чемпионларининг ҳиссаси катта.

Ҳикоямиз қаҳрамони, юнон-рум кураши устаси ҳам ана шундай чемпионлардан. Осиё чемпиони Аслиддин Худойбердиевга маҳалла болалари жуда ҳавас қилишади. Болакайлар бизнинг маҳаллада чемпион яшайди, деб фахрланиб гапиришни яхши кўришади.

— Чемпионлар ҳам болагидега кимларгадир эргашиб, спортга ошна тугинади, — дейди Аслиддин Худойбердиев. — Мен ҳам Шамсиддин амаким туфайли юнон-рум кураши билан шуғуллана бошлаган эдим. Ҳозир эса маҳалламиздаги болакайлар ҳам бу соҳага қадам қўяётганини кўриб, қувониб кетаман.

Аслиддин пойтахтдаги Чилонзор тумани Хирмонтепа маҳалласида яшаётган болаларнинг спортга, хусусан, курашга қизиқишига бефарқ қарамайди. Болалардан ўнга яқинини юнон-рум кураши секцияларига ўзи жалб этди. Улардан маслаҳатчи ёрдамни аямайди.

олтин медални қўлга киритди. 2002 йил унга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди.

2003 йили эса у Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибларини энгиб, терма жамоамизга олтин медал келтирди.

— Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан оммавий спортни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилгангани барчамизни қувонтиради, — дейди чемпион. — Бундай гамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Мисол учун юнон-рум кураши бўйича ўзбекистонлик курашчилар ўртасида Рустам Казаков бундан ўттиз йил олдин жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган эди. Мустақиллик даврида эса Дилшод Орипов жаҳон чемпиони бўлиш билан бирга, 2001 йилдаги жаҳоннинг энг зўр курашчиси, деб эътироф этилди.

Буғунги кунда болалар спортини юртбошимизнинг доимий эътиборида эканлиги кишини қувонтиради. Жойларда ҳам ўғил-қизларга спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратиб берилаётгани мамлакатимизда спорт оммавийлашишида муҳим омил бўлмоқда. Ёшлар ҳам бундай имкониятдан кенг фойдаланиши керак.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ.

Бизнинг суҳбат

– **Иззат Назарович, кўпчиликка маълумки, милиция ҳамisha турли тadbирларга суяниб иш кўради. Ўн кунлик, бир ойлик ёки узлуксиз давом этадиган тadbирларнинг номланиши ҳам ҳар хил. Масалан, “Тозалаш”, “Қорадори”, “Назорат”, “Орият” ва ҳоказо. Шу маънода Когонда қандай ютуқлар кўлга киритилмоқда.**

– Ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни бартараф қилиш, турли қонунбузарликларга қарши курашиш тadbир билан, кенгаш билан амалга оширилади. Айниқса, милициянинг аниқ режаси бўлмаса, муаммолар осонликча ечилмайди. Туманимизда қатор тadbирлар доимий суръатда аниқ режа асосида олиб борилаёпти.

Маъмурий ҳудудда тезкор вазиятни барқарор сақлаш мақсадида “Тозалаш” тadbiri ўтказилди. Эришилган натижаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, жалб этилган куч ва воситаларни бошқариш мақсадида тезкор штаб тузилди. Амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар куни вилоят ИИБ тезкор штабига маълумотлар етказиб турилди. Шу ўринда тadbирларда фаол қатнашган кенг жамоатчилик ва маҳалла побонлари хизматини алоҳида таъкидлашни истардим. Биз жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, фикр алмашаямиз, таклифларни ўрганиб, муҳимларини амалда қўллаяёмиз.

Тadbир давомида ўқотар куролларга эга фуқароларнинг курол сақлаш қоидаларига риоя қилиши текширилиб, мавжуд қонун-қоидаларни бузган 8 фуқародан ов куроллари олиб қўйилди. Яқуний хулоса сифатида айтиш мумкинки, 405 та тартибсиз иш олға силжймайди, унуми, натижаси бўлмади.

Ходимларимизга юклатилган вазифалар осон эмас. Ҳаловати ёки мол-мулкни йўқотган, ноҳақ жабр кўрган киши аввало милицияга мурожаат этади. Шунинг учун бизда ишлаш алоҳида

фидайликни талаб этади. Баъзан ҳар қадамда ёки кутилмаган лаҳзада жиноятчи билан тўқнаш келасан. Бугунги қисқагина суҳбатимизда шунини айтишни истардимки, билиб ёки билмай жиноят содир этган кимса ўз ҳаракатига тўғри баҳо бериб, атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлса. Ҳеч бир киши мардлик, инсоф деган тушунчалардан узоқлашмасин. Инсон хоҳласа ўзини ҳар лаҳза, ҳар куни тўғри йўлга бошлай олади.

Суҳбатдош **Ражаббой РАУПОВ.**

ТАРТИБЛИ ИШ ОЛҒА СИЛЖИЙДИ

Бухоро вилояти Когон шаҳар-туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Иззат Шерназаров билан суҳбат.

– **Энди бевосита амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталсангиз.**

– “Тозалаш” тadbирининг дастлабки кунларида 98 нафар фуқаро паспорт тизими қоидаларини бузганлиги аниқланди, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Муқаддам судланган 75 нафар шахсдан 7 нафарига нисбатан профилактика инспекторлари ташаббуси билан маъмурий назорат ўрнатилди, маъмурий назорат қондасини бузганлиги учун 3 нафар шахс жавобгарликка тортилди.

хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Тўққизта жиноят фош этилиб, қидирувда юрган бир жиноятчи ушланди. Турли ўғирликлар фош этилди. Одоб-ахлоқ доирасидаги хуқуқбузарликларнинг олди олинди. Тadbир жараёнида амалга оширилган ишлар ҳақида кўп гапириш, ёзиш мумкин. Менимча, бу асосийси эмас. Муҳими ҳар ким ўз вазифаси, бурчини ҳалол, виждонан бажаришида, деб биламан. Бизнинг ишимизда ҳар бир тadbирнинг ўз ўрни, вазифаси бор. Тadbирсиз,

– **Иззат Назарович, кўпчиликка маълумки, милиция ҳамisha турли тadbирларга суяниб иш кўради. Ўн кунлик, бир ойлик ёки узлуксиз давом этадиган тadbирларнинг номланиши ҳам ҳар хил. Масалан, “Тозалаш”, “Қорадори”, “Назорат”, “Орият” ва ҳоказо. Шу маънода Когонда қандай ютуқлар кўлга киритилмоқда.**

– Ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни бартараф қилиш, турли қонунбузарликларга қарши курашиш тadbир билан, кенгаш билан амалга оширилади. Айниқса, милициянинг аниқ режаси бўлмаса, муаммолар осонликча ечилмайди. Туманимизда қатор тadbирлар доимий суръатда аниқ режа асосида олиб борилаёпти.

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– Исминг нима, қаерда яшайсан?

– Исминг нима, қаерда яшайсан?

Хизматларда

СЕРГАК ПОСБОНЛАР

Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида касб сирларини пухта эгаллаган, фидойи, жасур осойишталик қўриқчилари кўпчиликни ташкил этади. Милиция кичик сержанти Хусан Юлдошев бўлимининг ана шундай ходимларидан бири.

У ўзининг интизоми, касбига бўлган меҳри билан ажралиб туради. Унинг фаолиятига назар солар эканмиз, оддийдек туюлган ҳолатларда ҳам хуқуқбузарлик содир этилганлик белгиларини илғай олиши, ана шу ҳушёрлиги туфайли кўплаб жиноятларни иссиғида очишга эришганини кўрамиз.

Март ойининг бошларида у Қарши шаҳар савдо марказида хизматни ўтаётган тунги соат 23.00 лар чамасида телефон тармоқлари (АТС) боғламаси жойлашган бино атрофини кузатиб юрарди. Рўпарада жойлашган кўп қаватли уй ёнида турган “Нексия” русумли автомашинага кўзи тушди. Атрофга олазarak боқиб, кимнидир пойлаб турган болани кўриб, шубҳаси ортди. Бола милиционерга кўзи тушиши билан ўзини пананага тортиди. Қўриқчи йигит аста унинг ёнига бориб сўради:

– Кечаси бу ерда нима қилиб турибсан? Исминг нима, қаерда яшайсан?

– Исминг нима, қаерда яшайсан?

– Исминг нима, қаерда яшайсан?

31 мартга ўтар кечаси эса шаҳар “Деҳқон бозори” атрофида хизмат вазифасини ўтаётган Қўриқлаш бўлимида милиционерлари, милиция катта сержантлари Фарҳод Бахронов ва Зокир Бобоқулов ўзларига биржитилган ҳудуддаги қўриқловга олинган масканларни кўздан кечириб юришганда кўзлари атрофга олазarak боққанча турган ёшгина йигитга тушди. Осойишталик побонлари уни дўкон эгаларидан бири бўлса керак, деган тахминга боришди. Шунга қарамай тахминни текшириб кўриш учун йигитнинг ёнига боришди.

– Магнитофон кимники? Уни қаердан олдинг?

– Ҳазилчилик қилиб, сўроққа тутишди:

– Ҳазилчилик қилиб, сўроққа тутишди:

– Ҳазилчилик қилиб, сўроққа тутишди:

Содиқ РАХИМОВ.



Фарғона вилояти Қирғули тумани ИИБ паспорт столи бошлиғи, милиция майори Муҳаммадҷон Тўхтасинов кўп йиллардан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. У ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган фаол ходимлардандир.

Суратда: милиция майори М. Тўхтасинов.

М. КИМСАНБОЕВ олган сурат.

2002–2003 ўқув йили давомида Хоразм вилояти Боғот туманидаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ниҳоятда пастлиги, айниқса, бошланғич синфларда бу машғулотлар бошқа мавзудаги суҳбатлар билан алмаштириляётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳаракат хавфсизлиги бўйича жамоатчи йўриқчиларнинг тайинланмагани, болалар автомайдончаларининг йўқлиги, мавжудларидан ҳам фойдаланилмаётганлиги ниҳоятда ачинарлидир. Бундан кўриниб турибдики, туман умумтаълим мактабларида кўча ҳаракати қоидаларини ўқитишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмапти. Бу нуқсонлар ИИБ тақдимномаси асосида туман халқ таълими бўлимига ҳавола этилди. Тақдимнома педагоглар кенга-

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Бажарилиши лозим бўлган ишларимиздан бири – болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир. Ачинарлиси, содир бўляётган ҳар иккинчи фалокат айбдори ёхуд жабрланувчиси болалардир. Хўш, бунинг сабаби нимада?

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ислоҳотлар нафақат милиция билан жамоатчилик, балки ички ишлар идоралари турли соҳалари ўртасида ҳам ҳамкорликни кучайтирди. Қуйидаги мисоллар ҳам бунинг тасдиқлайди.

Навоий тумани Ибн Сино номли ширкат хўжалигидан Ў. Туробов 13 июнга ўтар кечаси сигирини ўғирлаб кетишгани ҳақида арз қилиб, милиция идорасига келди. Маълумки, йўл-патруль хизмати ходимлари туну кун хизматда. Шунинг учун туман ИИБ тезкор ходимлари ЙПХ инспекторларига мурожаат қилишди. Улар ўз навбатида тунда жиноят содир этилган ҳудудда қайд этилган ҳолатларни таҳлил қилишди. Шу куниёқ биргаликда ўғрини аниқлашди.

Ҳамкорликда ўтказилган кенг қамровли “Қорадори-2003” тadbiri чоғида эса шу туманининг Қ. Раҳимов ширкат хўжалигида яшовчи Л.Пўлат томорқасида 10 туп кўкнор ўстираётгани фош қилинди. Ҳар икки ҳолат бўйича ҳам қонунбузарлар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Валижон АШУРОВ,
милиция катта лейтенанти.

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

– **Исминг нима, қаерда яшайсан?**

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
милиция майори.

Ё, алҳазар!

ФОРМАДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР

УЛАРНИ МОСКВАНИНГ ТУРЛИ ЖОЙЛАРИДА БИР ВАҚТДА ҚЎЛГА ОЛИШДИ

Яқинда асосан Москва шаҳри жиноят қидирув хизмати (МУР) ходимларидан иборат жиноий гуруҳнинг етти нафар аъзоси қўлга олинди. Бу ҳақда Россия Федерацияси Ички ишлар вазири Борис Грызлов расман маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, бошқарманинг бир бўлинмаси ходимлари фуқароларнинг чўнтақларига атайлаб гиёҳвандлик моддаси солиб қўйиб, уйларида қурол, ўқ-дорилар қолдириб, кейин уларни кўрқитишган. Айбсиз одамларнинг уйларида тинтув ўтказишган, жиноят ишлари қўзғатишган ва уларни ... пора эвазига бекор қилишган.

– Ҳатто баъзан одамлар сохта материаллар асосида озодликдан маҳрум этилган ҳоллар ҳам учрайди, – деди Б. Грызлов.

Формадаги қароқчилар ишбилармонлардан катта миқдорда пул ундиришган,



Москвадаги бир нечта қиморхоналар, савдо уйлари ва рестороанларнинг даромадларини назорат қилишган. Атайлаб махсус кўриқлаш хизмати ташкил этилган. Гўё унинг харажатларини тўлаш баҳонасида назорат остидаги муассасалар даромаддан “бадал” беришган.

Терговчилар шунингдек газ қуролини ўқотар қуролга айлантирувчи устахона топишди. Бу қуроллар бош-

қа жиноий гуруҳларга сотилган.

Режа буйича жиноий гуруҳга кирувчи милиция ходимларини қўлга олиш Москвадаги бир нечта жойида бир вақтда бошланиши керак эди. Эрта тонгда Россия Федерацияси Бош прокуратураси биноси олдида Федерал хавфсизлик хизмати ва ИИБ ўз хавфсизлиги Бош бошқармасининг 400 нафар ходими саф тортди.

Соат 9.20. Ўрта Каретний кўчаси 4-уй 13-хонадонидан махсус операция ўтказилди. Хонадонга беркиниб олган жиноят қидирув хизмати ходимларини юзтубан қилиб полга ётқизишди. Қўллари-

ни орқаларига қайириб кишан солишди.

“Сизлар қатор товламачилик, сохтакорлик ва хизмат мавқеингизни сумистеъмол қилишда гумон қилиняпсиз”, – дейилганида улар кинояли кулиб “Бўлмаган гап, уйдирма”, – дейишди, холос. Полковник Самолкиннинг қўлидаги соати 30 минг АҚШ долларлик эди. Пўлат қутидан яна битта қимматбаҳо соат топишди.

Соат 9.30. Петровка кўчаси 38-уй. Москва шаҳри ИИББ ЖҚБ бошлигининг хонаси. Махсус бўлинма ходимлари нима мақсадда келганларини аниқлагач, бошқарма бошлигининг ўзи



иккинчи тезкор-қидирув қисми бошлиғи ўринбосари Евгений Тараторинни ҳузурга чақиртирди. Е. Тараторин нима бўлаётганини тушунмай ҳаммага бир кўз югуртириб чиқди. Бир лаҳзадан кейин унинг қўлига кишан солинди. Е. Тараторин қарорни жимгина бошини сарак-сарак қилганича эшит-

ди. Фақат баъзан “Тухмат. Фирт тухмат”, – деб қўярди. Шу пайтнинг ўзида 5-бўлим катта тезкор вакили Игор Островский, унинг ўринбосари Владимир Лисаков ҳам ҳибсга олинди.

Соат 9.30. Фавкулдада вазиятлар вазирлигининг Ватулин кўчасидаги идораси. Бу ерда Россия ФВВ хавфсизлик бошқармаси бошлиғи, генерал-лейтенант Владимир Ганевни қўлга олишди. Маълумотларга кўра, у ҳам юқоридаги жиноий гуруҳ таркибига кирган. Ганевнинг хонасига ҳар кунлик селектор йиғилиши бошланиши олдида кириб келишди. Генерал нима гаплаганини тушунмай қўлга тутқазилган қоғозларни 4-5 марта ўқиб чиқди. Охири тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга қўл қўйишдан бош тортди.

Гумонланувчининг чўнтақидан 9400 АҚШ доллари топилиди. Пўлат қутида ҳам 50 минг “кўки” борлиги аниқланди. Барча гумонланувчилар “Лефортово” тергов ҳибсхонасига жойлаштирилди.

«Комсомольская правда»дан олинди.

Афсус-надомат

ҚАРҒИШ ТЕККАН

Донишмандларнинг нақл қилишича, инсон қилган яхшилигининг ҳузур-ҳаловатини кўрганидек, вақти келиб ёмонлигининг ҳам жабрини тортар, ножўя қилмиши орқали олган қарғишлари ўзига бўлмаса фарзанди, набира-чевараларига тегар экан. Қуйида бошидан ана шундай кечинмалар ўтган кимсанинг касалхонада ётиб қилган ҳасратлари билан танишасиз.

Баъзи бир акахонларимнинг илтимосига кўра, экин-текин орасига хуфёна кўкнори уруғини ташлаб парваришлай бошладим.

Бир йилдаёқ отамнинг ўн йил ишлаб тогганидан кўпроқ “даромад” қилдим. Менинг “меҳнатсеварлигим” дан қувонган ота-онам дуо қила-қила тўй бошладилар.

Ишим юришганда юришиб кетди. Жўхорилар бўй чўзгани сайин қувонаман – уларнинг орасига экилган наша, кўкнорлар кўзга ташланмайди-да. Мижозларим ишончли, улар ҳам “ҳосил” етилишини интизорлик билан кутиб, тез-тез ҳол сўрашади.

Хуллас, беш йил деганда “Омонкул” исми “Омонбой” бўлди. Отам бечора менинг қандай бойиётганимни билолмай, оламдан ўтиб кетди. Онам эса жарақ-жарақ пул топаётганимдан хурсанд бўлиб бошимни силарди...

Шундай кунларнинг бирида қўлга тушиб қамалиб чиқдим. Омонбой отим “Банги”га айланди. Қамокда еган азобларимдан тўғри хулоса чиқара олмадим. Пулга, бойликка қўйган хирсим устунлик қилди. Яна эски “хунарим”ни давом эттириб кўкнор етиштира бошладим. Баъзан кўча-кўйда, тўю маъракаларда айрим одамлар фарзандларининг гиёҳвандликка берилиб уйидаги бор бисотини сотиб тугатгани, гиёҳвандлик моддасини етиштириб сотаётганларни қарғаётганини эшитиб эшитмасликка олдим.

Лекин... лекин қариб, кучдан қолганимда бошимга минг бир қулфат ёғилди: катта ўғлим “дори” билан қўлга тушиб, укаси иккови қамалиб кетди. Ёлғиз қизим эса кўзи ёриётганда вафот этди.

Шундан кейин “дорифурушлик”дан воз кечиб, тоат-ибодат билан яшай бошладим. Бир этак набира кампирим иккимизга қолган. Ўшалар билан овуниб, кун кўраётган эдик.

– Отаси, бир гапни кўлдан буён айтай дейман... – чайналди бир куни кампирим. – Кейинги пайтда чумчүк “пирр” этса юрагим шувиллайдиган бўлиб қолмаганми, кўнглим ёмон бир гап эшитадигандай ғалати бўлиб кетаяпти.

Кампирнинг гапларини эшитарканман, кўз олдимга гиёҳвандликка берилган фарзандларидан хору зор бўлган одамлар келаверди. Бирибир қарғиш ураркан-да? Наҳотки йигитларимдан “дори” сотиб олиб, адоий тамом бўлганларнинг ота-оналари қарғиши набираларимга ҳам теккан бўлса?! Ўғил набиранинг мастона юришлари, қиз набиранинг “тутқаноғи бор экан” дея куёв томонидан қайтарилшининг сабаби улар аллақачон банги бўлиб қолганида эканда? Улар қачон бу йўлга кирди? Болаларим, набираларим бангиликка йўлиқмасликлари учун нималар қилмадим ахир? Уларга берадиган пулларим етмай, уйдаги қимматбаҳо буюмларни ўғрилаб сотишгани, ертўлага кўмилган хумчани бўшатиб қўйишгани-чи. Йигирма-йигирма икки ёшлардаги икки набирам мени хонавайрон қилиб бўлишибди-ку! “Илоё болаларинг, набираларинг банги бўлсин, бизнинг кунимиз бошинга тушсин!” деган қарғишларнинг оқибати эмасми бу?”

Отахон юрагини чангаллаганча ёстиққа бош қўйди. Мен уни нима деб юпатишни билмасдим...

Ш. ШЕРМАТОВА.

Терговчи ён дафтаридан

Яқинда бир дўстим янги уй олди. Кўлдан бери кутган яхши орзуни ушалганидан севишиб, яқин танишларига дастурхон ёзди. Зиёфатга келганлар орасида камсукум, ўрта ёшлардаги киши ҳам бор эди. Дўстим уни таништираркан:

– Уйни олишимга мана шу киши ёрдам бердилар, – деди. Зиёфат якунида дўстим у кишига тўн кийдирди.

– Мен бу хизматни тўн учун қилганим йўқ, инсон деган бирига ҳамдам бўлиши керак, – деди меҳмон.

Даврадагилар бу сизнинг ҳурматингиз, аталган совға ташлаб кетилмайди, дедик. Кўпчиликнинг раъийни қайтаргиси келмай, меҳмон ноилж тўнни кийди. Кейин бирор гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай давранинг орқа томонига ўтиб кетди.

Орамизда кишилар ҳожатини чиқариб, ҳурмат топиб юрганлар борлигидан қувониб кетасан, киши. Бироқ...

Жиззах шаҳрида яшовчи Б. Баҳромнинг жиноий ишини тергов қилиш топширилганда унинг устидан йиғилган ҳужжатларни ўқиб, ҳайратга тушдим. Ўзини ҳожатбарор кўрсатиб, кишилар ишончини қозониб, кейин чув тушириб кетган бу муттаҳамнинг қилган ишларини бирма-бир санаб чиқишга мустаҳкам асаб керак бўлади. Унинг чиркин фаолиятдан айримларини айтиб ўтаман. Шаҳарнинг Бунёд маҳалласида яшовчи Б. Ўқтамга уйини сотиб бериш учун воситачилик қиламан, дейди. Уйни 3,5 миллион сўмга сотиб, эгасига атиги 1,5 миллион сўм беради ва қолганини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Заргарлик маҳалласидан эса бошқа бир “мижоз” топиб А. Адолатнинг сотиб юборилган уйини У. Мансурга арзонга олиб бераман, дея хамир учундан патир тариқасида 250 АҚШ долларини олиб, гоийб бўлади.

Фирибгарлар содда кишиларни бир қарашда билиб олиша-

ди. Жиззах шаҳрида икки кишини чув тушириб, ўзини хокисор кўрсатиб Пахтакор шаҳрига келган Б. Баҳром бозор айланиб юриб, деҳқон Х. Мамадалини кўз остига глади. Чойхонада бир оз гурунглашиб ўтириб, дўст тутинишади.

– Дўстим, мана бу ёғига деҳқончилик маҳсулотлари пишиб, етила бошлабди. Менинг “Дамас” автомашинам бор, хоҳласангиз бир-икки ойга бериб тураман, бозорга боришингизга бирорта улов керак-ку, ахир, – дейди Б. Баҳром.

Бу мурувватдан эсанкираб қолган Х. Мамадали уни уйга таклиф этади. Гап айланиб машинага келганда Б. Баҳром:

«ҲОЖАТБАРОР»

– Машина ўзимники деб ҳисоблайверинг, фақат озгина таъмирталаб бўлиб қолган. Агар малол келмаса, менга 300 минг сўм бериб турсангиз, бориб машинани тузатиб, гижинлаган отдай қилиб келаман, – дейди.

Шундай қилиб Б. Баҳром деҳқоннинг 300 минг сўм пулини олиб қорасини кўрсатмай кетади. Орадан уч ойлар ўтиб яна Жиззах шаҳрида пайдо бўлади. Машина бозорига бориб навбатдаги фирибини ишга солади. Унга “Нексия” автомашинаси олиш илинжида юрган бир йигит йўлиқади. “Ўлжа”ни кўриб қувониб кетган Б. Баҳром йигитга ёнидан бир тилхат кўрсатади. Аввалдан ўйлаб битилган сохта тилхатда бир кишининг жиянига “Нексия” автомашинаси ҳадя қилингани кўрсатилган эди. Фирибгар йигитни шаҳарнинг чеккароғидаги бир уйга олиб боради ва:

– Машина шу ерда, аёл киши уни ҳайдай олмайди. Сотмоқчи бўлиб менга айтганди. Ўзимизга ўхшаш йигит экансиз. Бойваччалар сўраб келишди. Мен унамадим. Сизга буюрган экан, – дейди.

Дарвозахонада турган янги

машинага кўзи тушган йигит шошиб қолади, ва:

– Ака, пулнинг ҳаммасини олиб келмагандим, ишонсангиз, эртага қолганини олиб келаман, – дейди.

Б. Баҳром унга “меҳрибончилик” қилиб:

– Майли, дўстим, бор пулингизни ташлаб кетаверинг, мен сизга тилхат ёзиб бераман, – дейди.

– Яхши одамга ўхшайсиз, қоғозбозликни нима кераги бор, сизга ишондим, пулингиз қолганини эртага олиб келиб, бир йўла машинани ҳайдаб кета қоламан, – дейди ва 5 миллион сўм беради.

Эртасига йигит шу ҳовлига келиб қараса машина йўқ. Уй эгасини чақириб пулни қолганини олиб келганини тушунтиради. Ваҳолан-

ки, бу хонадон эгаларининг шахсий машинаси бўлмаган, кеча дарвозахонада турган “Нексия” узоқ қариндошиники эканини айтишади.

Б. Баҳромнинг “ҳожатбарорлик” фаолиятдан яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Фуқароларимиздаги ишонувчанлик, ҳуқуқий маданият, ҳушёрликнинг етишмаслиги унинг парвозига қанот бўлади. Яхши билмаган, синашта бўлмаган кишига ишониб, катта-катта миқдордаги пулларни қўш қўллаб беришдан олдин ўйлаб кўриш, атрофдагилар билан маслаҳатлашиш керак эди. Яхши ният билан уй, машина олиш ниятида мисқоллаб йиғилган пуллар ҳавога соврилгани аянчи ҳол, албатта. Халқимизда “етти ўлчаб бир кес”, деган нақл бекор айтилмаган. Фирибгар ўз қилмишига яраша жазо олади, лекин у тузоққа илингунча қўллаб кишиларни чув тушириб, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказади. Жамиятимизда бундай кишиларнинг кўпайиб кетмаслиги, уларнинг пайини қирқиб учун аввало ўзимиз огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак.

Одил ҚАРШИБОВ,
милиция катта лейтенанти,
Жиззах шаҳри.

Огоҳликка даъват

**КАЛТАБИНЛИК
ОҚИЪАТИ**



Наргиза дугонаси Шаҳнозага кўнги-роқ қилди. Хол-аҳвол сўраш-гач, иккови бекатда учраша-диган бўлишди. Эртаси куни уйда зериккан Наргиза ўн бир яримдаёқ бекатга келди. Четдан кузатиб турган Сойиб исмли йигит уни гапга солди.

— Дугонамни кутяпман, — деди Наргиза.
— Мен ҳам дўстимни ку-тиб турибман, — деди Сойиб.
Сойиб ва Наргиза гапла-шиб туришганда Шаҳноза келиб қолди. Қиз Сойиб би-лан хайрлашиб, дугонаси билан кетди.

— Наргиза, кўнглингга келмасину кўзлари олазарак, бу йигит ким ўзи? — сўради Шаҳноза.

— Бу йигит билан ярим соат олдин танишдим. Мени эртага қаҳвахонага таклиф қилди. Яхши йигит экан, — негадир қувониб жавоб бер-ди Наргиза.

— Ҳозир ҳар хил одамлар кўп, эҳтиёт бўлгин, — деди мулоҳазали Шаҳноза.

Икки дугона бироз айла-ниб, уй-уйларига қайтишди. Наргиза ўзида йўқ хурсанд эди. Унинг хаёли эртанги учра-шувга қайси кийимини кийиб чиқиш, қанақа тақинчоқ та-қиш кабилар билан банд.

Нихоят айтилган вақт яқин-лашиб, Наргиза белгиланган жойга келди. Узоқдан куёвлар-дек ясаниб олган Сойибни кўрдию юраги ҳапқирди.
Иккови ийманибгина

ҳол-аҳвол сўрашиб, қаҳва-хона томон юришди. Йўлдан Сойиб гул олиб, Наргизага тутди ва:

— Мана шу гулдек очи-либ юринг, — деди. Нарги-за гулни олиб, янада хур-санд бўлди. Улар қаҳвахона-да узоқ гаплашиб ўтириш-ди. У ердан чиқиб, қорон-ғида одамсиз кўча томон юришди. Наргиза хавотир-ланиб “қаерга кетяпмиз” деб сўради.

— Бир оз айланамиз, ке-йин уйингизга кузатиб кўяман, — деди йигит сирли оҳангда. Наргиза гўё сеҳрлан-гандек у билан ёнма-ён бо-

раверди. Анча юришгандан кейин Сойиб гўё ҳазиллаш-гандек:

— Наргиза, бу ерда ҳеч ким йўқ, фақат иккимиз, хо-лос. Агар ҳозир кулоғингиз-даги зиракни, қўлингиздаги узукларни ечиб беринг де-сам, берармидингиз? Бермай иложингиз ҳам йўқ, чунки мен сиздан кучлиман, — деди галати овозда ва қизни сил-таб ўзига тортиди: — Қани, ойимқиз, айтганимни қилинг, тақинчоқларни ечинг!

Наргиза алданганини ту-шунди. Шунда ҳам гўё йигит-нинг гапини тушунмагандек:

— Сойиб ака, бу ердан кетайлик, қўрқиб кетаяп-ман, — деди ялиниб.

— Аввал менинг айтга-нимни қилинг, тақинчоқ-ларни ечинг! — дўқ урди йи-гит. Қиз йиғлаб, “ердам бе-ринглар!” деб бақирди.

Қизнинг бахтига сал на-рироқдан Зафар исмли йи-гит ўтиб кетаётганди. У қиз-нинг овозини эшитиб, югу-риб келди.

Зафар бир тортишдаёқ қизни йигитнинг кучоғидан чиқариб олди. Иш чаппаси-га кетганини сезган Сойиб қочиб кетди.

Наргиза бўлган воқеани гапириб берди.

— Ота-онангиз хавотир олиб ўтиришгандир, — деб Зафар Наргизани уйигача кузатиб қўйди. Қиз унга миннатдорчилик билдириб хайрлашди.

Бир жиноятнинг олди олинди. Бироқ Наргизага ўхшаш содда қизлар, Сойибга ўхшаш йигитлар камми? Қиссадан ҳисса шуки, баъзи ёш қизлари-мизнинг ўйламай қадам бо-сиши қутилмаган кўнгли-сизликларга сабабчи бўли-ши мумкин. Умид қиламиз-ки, улар юқоридаги воқеа-дан тегишли хулоса чиқа-риб оладилар.

Ф. АЗИМОВ,
ички хизмат кичик
сержантиси.

ХИКМАТ

*Дўст кўнглин овлаш
учун бирма-бир,
Отанг боғини
сотсанг ҳам арзир.*

Чигал тақдирлар

**БОШИ
БЕРК КЎЧА**

...Беруний шохбекатида Олмагул (исмлар ўзгартирилган) танишини уч-ратиб қолди.

— Сендан олган икки юз эллик минг сўмни ҳозир қайтара олмайман, — деди Олмагулга таниши Бибижон пинагини бузмасдан.

— Биласиз, бу ерда ижарада яшаб, ишляяпман. Эллиққалъага қайтиб бо-ролмайман. Бермасангиз, хонавайрон бўламан. Ахир сизга ишонгандим, — деб йиғлаб юборди Олмагул.

— Кўз ёши билан иш битмайди, бас қил ҳиқиллаингни! — амр этди Биби-жон ва атрофга олазарак қараб, секин шивирлади. — Пулнинг ўрнига гаровга порох бераман. Омадинг келса овчилар-га икки бараварига сотиб, пулнинг та-ғида қоласан.

Бибижон шу куни Олмагулга 750 грамм порохни келтириб берди.

Ғалати “савдо”дан хабар толган уй эгаси Азимбой Олмагулга қилмиши қонунга зидлигини тушунтирмоқчи бўлди. У эса тушунишни истамади. Ак-синча, “мол”га харидор излай бошла-ди. Азимбой хушёрлик қилиб, воқеани туман ИИБ ходимларига билдирди.

Порох Олмагулнинг хонасидан ашё-вий далил сифатида олинди. Энди аёл қилмишига яраша жавоб беради. Ол-магул пулини қонуний йўл билан ун-дириб олса бўларди. Афсуски, у би-либ туриб, йўлдан адашди. Энди эса боши берк кўчада тақдирга тан бе-риб ўтирибди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
милиция майори.

**Жиноят-қидирув
хизмати воқеалари**

Пойтахтда машина ўғрилари гуруҳининг изи топилди. Ўғрилик пухта амалга оширилганди. Ўғрилар-нинг ҳар бирига алоҳида вазифа юклатилган. Икки киши ўлжанинг манзилини аниқлаб, қулай фурсатни белгилаб беради, икки киши ўғрилиқни амалга оширади, яна икки нафари машинани қисмларга ажратади. Қарабсизки, уч кун аввал шаҳарда гизиллаб юрган машина бўлакларини бозорда пулланади. Гуруҳ аъзолари бирин-кетин қўлга туша бошла-ди. “Қассоб” лақабли Е. Юсуфни туттиш осон бўлмади. Баъзан шаҳардан чиқиб кетар, кўп ўтмай яна пайдо бўлиб қоларди.

**САНДИҚ
«НАФАС ОЛЯПТИ...»**

У уйда эканлиги ҳақида аниқ маълумот олиб, шошилинч йўлга тушди. Хонадон эшигини тақиллат-сак, одатдагидек хотини чиқиб:

— Уйда йўқлар, уч ойдан бери келмаяптилар, — деди.

Хоналарни кўздан кечиришимиз лозимлигини айтдим. Аёл бизни ич-қарига бошлади. Ҳамроҳларим хона-ларни айланиб, текширув ўтказиш-ди. Бироқ, ҳеч ким топилмади. Аёл-нинг ўзини туттишидан эри уйда эканлиги маълум эди. Лекин қаер-да? Мен пешайвонда турардим. Хон-тахтада нонушта учун ёзилган дастурхон ҳали йиғиштирилмаганди Е. Юсуфнинг хотини, бир қизи бор. Дастурхонда эса қовурилган тухум юқи билан учта тақсимча, учта пиё-ла турибди. Бу эса Е. Юсуф шу ер-далигини яна бир бор исботларди.

Аёл билан хонтахта атрофида суҳ-батлашиб, унга эри айбини бўйнига олиб, ўзи милицияга борса жазоси энгилашиши ҳақида тушунтириб ўтиргандим ёнимизга милиция капи-тани Собир Каримов келиб, сандиққа суяниб ўтирди. Бир оз ўтиб у атроф-га аланглаб турган ортидаги сан-диққа кулоқ тутди. Кейин кулиб:

— Сандиқ нафас оляпти, — деди.

Аёлнинг ранги ўчиб кетди. Мен ўрнимдан турдим-да, сандиқ усти-даги кўрпачаларни тушириб, қопқоғини очдим. Унинг ичида ис-сикдан бўғриқиб, чуқур-чуқур на-фас олиб, кўзини юмганча Е. Юсуф ётарди.

Р. СУЛТОНҲУЖАЕВ,
милиция катта лейтенанти,
Шайхонтохур тумани.

**АЛЮМИНИЙ
ИШҚИБОЗИ**

Кейинги пайтда таркибида рангли металл бўлган турли уй-рўзгор буюмлари, электр тақсимлагичлардаги жиҳозларни ўғирлаш ҳолатлари тез-тез содир бўлмоқда. Бундай “дард”га мубтало бўлганлар учун у жамоат ёки давлат мулкими, бунинг қизиги йўқ.

Андижонлик ў. Юсуф Ана шундай рангли ме-талл ишқибозларидан. Илгари ҳам маҳалладош-ларининг уйдан қозон, электр симларни ўғир-лаб, анча малакаси ошиб қолган ў. Юсуф Анди-жон вагон депосида турган гилдиракларнинг ол-тита алюминий қопқоғини кўриб, қувончдан кўзлари порлаб кетди. Шу куни ярим тунда кўрган буюмларини ўғирлаб, уйига яширди-да, харидор қидира бошлади.

Эртаси куни депо маъмурияти Андижон те-мир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлимига ўғирлик тўғрисида хабар қилди. Зудлик билан тармоқ ИИБда режа тузилиб, тезкор қидирув гу-руҳи ишга киришди. Сурйштирувлар натижаси-да ушбу ўғирликни содир этган шахс аниқланиб қўлга олинди. Аввалига ўзини кўйдек ювош ва беозор қилиб кўрсатиб, бирон нарса билмасли-гини айтган ў. Юсуфнинг вазлари тош босма-ди. Уйининг ертўласидан вагон гилдиракларининг қопқоқлари топилганда айбига тўлиқ иқроп бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Д. САЛОҲИДДИНОВ,
милиция лейтенанти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ раҳбарияти ва шахсий таркиби ташкилий-штат ишлари бўлимининг муҳим топ-шириқлар бўйича катта инспек-тори, милиция полковниги А. Алибаевга онаси **МУКАР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдира-дилар

Тошкент вилояти ИИБ раҳбария-ти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ хузуридаги Қуриқлаш бошқармаси-нинг ҳайдовчи-милиционерни, мили-ция старшинаси **Собиржон ЗИЯМУҲАМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билди-радилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳ-барияти ва шахсий таркиби Зан-гиота тумани ИИБ профилакти-ка инспектори, милиция капи-тани **Ғулом ШАЙБЕКОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги му-носабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий тарки-би Тергов бошқармаси катта терговчиси, милиция майори Фурқат Санақуловга отаси **Ғаффор САНАҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик бил-дирадилар

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий тарки-би вилоят ИИБ ТХЖҚБ тез-кор вакили, милиция лейте-нанти Б. Улашовга отаси **Темур УЛАШОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъ-зия изҳор этадилар.

Жаҳон кино юлдузлари

Адела Норьега 1969 йил 24 октябрда Мехико шаҳрида туғилди. У ҳали қизалоқлигида отаси вафот этди. Адела онаси, икки яшар опаси ва укаси билан қолди. Қиз болалигидан актриса бўлишни орзу қиларди.

У 15 ёшида "Хуана Ирис" сериалида илк ролини ўйнади. Кейинроқ "Chacun Chacun" телешоусида, Лусий

Мендеснинг клипида суратга тушди. 1988 йилда Норьега "Ўн беш ёшли" фильмида камбағал оиладан чиққан ёш

ТАНИШИНГ: ГВАДАЛУПЕ



қиз – Мариана ролини ижро этди. Фильмда она тежаб-тергаб тўплаган пулига қизини нуфузли коллега ўқишга юборади. У "Қизимга бирор бойвачча уйланади", – деб ният қилган эди. Аммо Мариана ёш механик Панчо (Эрнесто Лагуардия)ни севиб қолади.

Кейин Норьега "Есения" теленовелласида лўлиқиз ролида суратга тушди. Ана шу иккала машҳур сериалдан сўнг Адела АКШга йўл олди. Бу ерда "Гвадалупе" теленовелласида асосий ролни ўйнади. Унинг қахрамони – беникоҳ туғилган, камбағал қиз. У фалакнинг чархи билан бадавлат отасининг ягона меросхўрига айланади. Гвадалупе отасининг авлодларидан ўч олишни кўнглига тугиб юрган Алфредо (Эдуардо Яньес)ни севиб қолади...

1995 йили Норьегани Колумбияга таклиф қилишди. У ерда

"Мария Бонита" картинасида Колумбия Президентининг ўғли (Фернандо Альенде)га кўнгли қўйган ёш қўшиқчи қиз образини ижро этди.

Аделанинг шахсий ҳаёти доимо журналистлар диққатини тортиб келган. У ҳеч қачон ишқий саргузаштларини сир тутмаган. Аммо 1997 йилда Мексиканинг собиқ Президенти Карлос Салинас де Гартанининг маъшуқаси бўлганлиги ҳақида миш-миш тарқалганида, Адела бу бўлмагур гап-сўзни қатъиян инкор этди. Шундан сўнг уни "Мария Исабэль" сериалида бирга ўйнаган Фернандо Карильонинг хушторига чиқазди. Адела 1994 йилда ҳақиқатан ҳам Эдуардо Яньес билан яқин муносабатда бўлга-


нини тан олди (худди шу пайтда улар "Гвадалупе" фильмида бирга суратга тушишган эди).

Норьега 1997 йилда Мексикага қайтиб келиб, "Мария Исабэль" сериалида иштирок этди. Бу картинанинг кетидан "Севиш имтиёзи" фильмида Андрес Гарсия билан суратга тушди. Ҳар иккала фильмдаги роллари учун актрисага "TV y novelas" журналининг мукофоти берилди.

"Севиш имтиёзи" фильмида Норьега ёш қиз Кристина ролини ижро этган. У туғилиши билан онаси ташлаб кетади. Кристина вояга етгач, онасига қарашли модалар уйида ишлай бошлайди.

2001 йил августида продюсер Карла Эстрада Аделани "Булоқ" фильмига таклиф этди. Иккаласининг ҳамкорлиги ҳали ҳам давом этапти. 2002-2003 йилларда Адела Норьега "Ҳақиқий муҳаббат" сериалида Фернандо Колунга ва Маурисио Ислас билан бирга суратга тушди. Айтиш мумкинки, ҳозир актрисанинг айна ижод булоғи қайнаган пайт. Ундан янаям қизиқарли, қиёмига етказиб ўйналган роллар кутиб қоламиз.

«ИНТЕРНЕТ»дан олинди.




Энига: 5. Хиндистондаги шаҳарга номдош шойи газлама. 6. Ой юзасида ҳаракатланиб маълумотлар тўплаган космик қурилма. 9. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш соҳаси. 11. Спортчи интиладиган манзил. 12. Муסיқий овоз тури. 13. Лантанитларга мансуб металл. 16. Ҳарбий хизматчи. 17. Маълум фурсатдаги тебранишлар ҳисоби. 19. Рассомлик соҳаси. 20. Какра ўсимлигининг яна бир номи. 24. Ёқилги тури. 25. Нефть маҳсулот. 26. Тигли қурол. 29. Илмий ҳодисалар тайёрланадиган илмгоҳ. 30. Икки торли чолғу асоби. 31. Қандолатчилик маҳсулот.

Бўйига: 1. Иссиқлик. 2. Покистонда суратга олинган фильм. 3. Баъзи турлари табобатда ишлатиладиган сув жонивори. 4. Саҳна асар тури. 7. Тарих, мозий. 8. Цирк санъаткори. 9. Ҳавонинг мувозанат шароитларини ва уларга ботирилган қаттиқ жисмларга таъсирини ўрганувчи соҳа. 10. Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш мажмуи. 14. Кучли зарбдан юзага келувчи ҳолат. 15. Дами қайтган, кесмайдиган. 18. Ўйиб туширилган безак. 21. Гуллар кўк рангдаги ёввойи ўт. 22. Металл эритиш иншооти. 23. Ҳарбий ва тоғ ишларида ишлатиладиган портловчи модда. 27. Жисмоний ҳаракат, саломатлик асоси. 28. Италиядаги шаҳар.

Ф.ОРИПОВА тузди.

КРОССВОРД



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН "ЖУРНАЛИСТИКА" КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Тик қаторларда: 1. Боргес. 2. Матбуот. 3. Эрназаров. 4. Есенбоев. 5. Репортаж. 6. Мухаррир. 7. Мухбир. 8. Адад. 9. Шарҳловчи. 10. Мақола. 11. Вокеллик. 12. Мусаҳҳиж. 13. Босмаҳона. 14. Қориев. 15. Газета. 16. "Таймс". 17. Лавҳа. 18. Муштарий. 19. Такриз. 20. Таҳририят. 21. Салаев. 22. Журналист. 23. "Постда". 24. Саҳифалаш.

Ўрта қатордаги сўзлар:

ГАЗЕТА ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Бу – қизиқ!

СЕВИНГ-СЕВИЛИНГ!


Висол лаззати кишини толиқтиради, деган гаплар асоссиздир. Аксинча, айнан ишқий яқинликдан сўнг кишининг кучгайрати жўш урар экан. Кўплаб таниқли спортчилар ёри висолдан баҳраманд бўлгач кўрсатган юқори натижалар бунини тасдиқлаб турибди.

Ишқий яқинлик турли стресс ҳолатлардан чиқишга ҳам ёрдам беради.

ХОТ-ДОГНИНГ ЗИЁНИ

Болалар шифокорларининг фикрига кўра, "Бир зумда" тамаддонларидан овқатланаётган ўқувчилар семириб кетаётган экан. Маълум бўлишича, бола организмга чипслар, хот-доглар, "дармондорига бой" газли сувлар, тайёр нонушталар зиён келтираркан. Шунинг учун мутахассислар мактаб ўқувчилари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бораптилар. Дастлабки натижалар кўзга ташланапти. АКШлик вазни 100 кг келадиган 5-синф ўқувчисидан "Тушунтириш ишларидан сўнг қандай ҳулосага келдинг?" деб сўрашганида, у: "Булочкалар, пирожнийлар ейишни бас қилдим. Энди чипсни ҳам олгимга олмайман", – дея жавоб берди.

Б. ТОШЕВ тайёрлади.



— Очиқ ҳавода нафас олиб, ҳордиқ чиқариш учун балиқ ови-га тез-тез чиқиб тураман...

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИВ
БИРЛАШГАН
ТАҲРИРИЯТИ**

МАНЗИЛИМИЗ:
700029,
Ташкент,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
**Murod
TILLAYEV**
Mas'ul
kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi
S. SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi
Z. BOLTAYEV
Musahhih
G. XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma 1 — 579. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 44313 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
● Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.